

2019 йил 17 январь куни ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



# НУҚУЗ

1997-йил 27-avgustdan chiqqan boshlagan

www.huquq.uz

2019-й. 24-ЯНВАР, №4 (1149)

**Каналга тушиб кетган автомашина ичидаги одамлар қутқарилдими?**

5-БЕТ

**Газ қуйиш шохобчаси эгаси ёш болани тош билан уриб, унга оғир тан жароҳати етказди.**

6-БЕТ

**«Бозорком»нинг «иши»ни ёпиш учун 4 минг доллар талаб қилишди.**

8-БЕТ

## ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ:

### Янги мазмун касб этган ҳамкорликни мустақкамлаш йўлида



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелнинг тақлифига биноан 2019 йил 20 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.**

21 январь куни Берлин шаҳридаги Бельвю саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шавкат Мирзиёевни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари фахрий меҳмонлар китобига имзо қўйди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Германия давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтди.

Учрашувда Президентлар Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада мустақкамлаш, ўзаро манфаатли соҳалардаги алоқаларни икки ва кўп томонлама

асосда ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Томонлар бундан буён ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашда давом этажигани билдирди.

Президентлар Германия ташаббуси билан ишлаб чиқилган, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси асосида муносабатларни мустақкамлаш муҳимлигини қайд этди.

Бугунги кундаги хавф ва таҳдидлар, биринчи навбатда, терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишда янада яқин ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Афғонистон-

да тинчлик жараёнини тезроқ бошлаш бўйича ёндашувлар бир хил экани тасдиқланди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тубдан модернизация қилинаётган ҳозирги жараёнда Германиянинг илғор тажрибаси ва технологияларини жалб этиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар ҳам муҳкам қилинди. Мактаб таълимида самарали немис технологияларидан фойдаланиш, жумладан, "Мактаблар: келажақ шериклари" (PASCH) ташаббусини амалга ошириш, Ўзбекистонда Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини очиб, халқаролик ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш истиқболлари эътибор марказида бўлди.

Учрашув сўнггида Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер жорий йилнинг май ойида Ўзбекистонга ташриф билан боришини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг музокаралари олдида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ангела Меркель Ўзбекистон Президентининг ташрифи узоқ танаффусдан кейинги муҳим воқеа экани, икки томонлама ҳамкорлик ривожига катта туртки беришини таъкидлади.

— Биз Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлишни хоҳ-

лаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш учун кўплаб имкониятлар борлигини кўрмоқдамиз, — деди Германия канцлери.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак ҳурмат учун чуқур миннатдорлик билдириб, немис халқини жорий йил май ойида нишонланадиган Германия Федератив Республикаси ташкил этилганининг 70 йиллиги билан табриклади.

Сўнгги йилларда алоқалар жадал ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётгани, сиёсий мулоқотлар фаоллашган мамнуният билан қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Германия Ўзбекистоннинг ишончли ва истиқболли шериги эканини, ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга интилишини алоҳида таъкидлади.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида янада яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор экани қайд этилди. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси асосида Европа Иттифоқи — Марказий Осиё йўналишида ҳамда Германия — Марказий Осиё форматида муносабатларни мустақкамлашда давом этишларини таъкидлади.

Давоми 2-бетда

## ЖАМИЯТИМИЗДА МУРОЖААТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Яқинда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтида эълон қилинган "Газеталарда чоп этилган танқидий-таҳлилий мақолаларга нега ўз вақтида жавоб берилмаяпти?" сарлавҳали мақолада бир қатор босма нашрлар — газеталар таҳририятларига 2018 йил мубайнида босилган танқидий мақолаларга эътиборсиз қараган, ўз вақтида ёки умуман жавоб бермаган масъул ташкилотлар ҳақида атрофлича маълумот берилган эди.

Эътиборлиси, мақолада Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасининг "Нуқуқ" газетасида чоп этилган танқидий материалларнинг барчасига тегишли ташкилот ва идоралар томонидан тўлиқ жавоблар олингани, кўтарилган муаммоли ҳолатларга муносабат билдирилгани айтилган.


Мавзу юзасидан "Нуқуқ" газетаси бош муҳаррири Жаҳонгир Максумовнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик:

— Соҳадаги ушбу муаммо

юзасидан билдирилётган эътироз жуда ўринли. Мамлакатимизда ҳар бир соҳа ва йўналиш қонун талаблари, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган. Жумладан, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларини яхши билмаслик ўртага ташланган масаладаги муаммоларни келтириб чиқаради. Аслида таҳририят томонидан берилётган танқидий-таҳлилий мақола ва хатларга тегишли ташкилотларнинг барча-

си ҳам атайин жавоб бермайди, дейиш адолатдан эмас. Вазирлик ва идоралар ОАВга ҳурматсизлик қилаётти, деган фикрдан ҳам йироқман. Сўнгги пайтларда жамоатчилик эътиборидаги муаммолар юзасидан турли мурожаат, ариза-шикоятларга давлатимиз томонидан қандай эътибор берилётгани барчага маълум. Бугунги кунда халқ билан мулоқот энг муҳим масала экани ҳам айни ҳақиқат.

Давоми 2-бетда



9-БЕТ

# ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ЯНГИ МАЗМУН КАСБ ЭТГАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Давоми.  
Бошланғичи 1-бетда

Бўлажак учрашувда замонавий таҳдид ва хатарлар, аввало, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши айтиб ўтилди. Афғонистонда тинчлик жараёнини тез фурсатда бошлаш ҳам кун тартибидagi муҳим масалалардан экани қайд этилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида конструктив мулоқот, шунингдек, давлат бошқаруви тизимининг шаффоқлигига ҳамда коррупцияга тўлиқ барҳам берилишига эришиш мақсадига ҳамкорлик учун очик экани таъкидланди.

Томонлар инвестиция ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини билдириди. Ўзбекистон Президентини ташири арасида ўтказилган бизнес-форумда 8 миллиард евродан зиёд қийматдаги янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилган, бошқа битимлар бўйича ишлар давом этаётгани маълум қилинди.

Шунингдек, немис тили қурулаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар тармоғини кенгайтириш, Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан алоқаларни ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев билан Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг учрашувида асосий эътибор савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технология ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик асосий масалалар бўйича позициялар ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди. Самарали мулоқотни икки ва кўп томонлама шаклда, жумладан, нуфузли халқаро тузилмалар доирасида

изчил давом эттиришга интилиш муштарак экани тасдиқланди.

Германия канцлери Ўзбекистон Президентини раҳбарлигида иқтисодиётни модернизация қилиш ва жамиятини янада демократлаштириш борасида амалга оширилган ислохотларни юқори баҳолади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитини яратиш, кўп йиллик баҳсли масалаларни тинчлик йўли билан ҳал этиш ва минтақани глобал иқтисодиётга интеграция қилиш бўйича янги минтақавий сиёсатини олқишлади.

Томонлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, афро-муҳитни муҳофаза этиш масалаларини ҳам қўриб чиқди. Давлатимиз раҳбари Германия ҳуқуқига Орол фожиаси оқибатларини бартараф этишдаги кўмаги учун миннатдорлик билдириб, Берлинни Оролбўйи учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди фаолиятида фаол иштирок этишга чақирди.

Мулоқотда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик масаласига, жумладан, Афғонистон муаммосини ҳисобга олган ҳолда эътибор қаратилди. Бу масалани барча томонлар иштирокида, афғонлар раҳбарлигида тинч йўл билан ҳал этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Германия Ўзбекистоннинг технология ва инвестициялар соҳасидаги асосий шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида савдо соҳасида энг кўп қўлайлик яратиш тизими жорий этилган. Утган йили товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион евродан ошган.

Музокарада бўрсаткични 1 миллиард еврога етказиш учун барча имкониятлар борлиги таъкидланди, бу борадаги истикболли йўналишлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда германиялик инвесторлар иштирокида 132 та фирма ва компания фаолият юритмоқда. Шундан 33 таси юз фоиз немис капитали асосида тузилган, 31 таси юртимизда ўз воқалатонасини очган. Ўзбекистон

тон миллий банки Германиянинг 57 та банки билан алоқа ўрнатган. Тошкентда "Дойче-банк" бўлими ташкил этилган.

Мамлакатимизда дунёга машҳур немис компаниялари билан амалга оширилган йирик лойиҳалар муваффақияти ўзаро манфаатли инвестициявий ҳамкорликка мисол бўла олади. "MAN" концерни билан шерикликда замонавий юк автомобиллари, "Claus" ва "Lemken" компаниялари билан қишлоқ хўжалиги техникалари, "Knauf" билан қурилиш материаллари, "Deutsche Kabel" билан кабель-ўтказгич махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Германиялик мутахассислар иштирокида "Қарши — Термиз" темир йўли электрлаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини ошириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Молиявий-техникавий ҳамкорлик борасида маслаҳатлашувлар, савдо ва инвестициялар, қишлоқ хўжалиги бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар мажлислари ўтказилмоқда.

Учрашувда савдо, sanoat, газ-кимё, қурилиш соҳаларида ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, молиявий-техник кўмак ва тажриба алмашиш кенгайтиришга келишиб олинди.

Таширф доирасида кимё, қурилиш, энергетика, металлургия ва озиқ-овқат соҳалари етакчилари — "Siemens", "Tysse Krupp", "Claus", "MAN", "Knauf", "Linde", "Papenburg", "Humana", "Volkswagen" каби халқаро миқдосдаги немис концернлари билан шерикликда янги кўп миллиардлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, маданий алоқалар ва туристлар алмасувини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда 8 мингдан зиёд

немис миллигата манусб юртодошларимиз яшамоқда. Маданияти ва анъаналарини сақлаб, ривожлантириши учун барча шароит яратилган. 400 мингдан ортик ўқувчи немис тилини ўрганмоқда. Яқинда Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги мактабларга буюк немис олим ва ёзувчилари номлари берилди.

Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жағмаралар, Германия академик алмашинувлари хизмати (DAAD) воқалатхоналари ва бошқа ташкилотлар халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга хўсса қўшмоқда. Пойтахтимиз ва бир неча вилоятларда бўлимлари бўлган "Видергебурт" немис маданият маркази, "Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда Германия фуқаролари учун 30 кунгача визасиз режим жорий этилгани муҳим воқеа бўлди. Бу мамлакатимизни кўришга кизикадиган туристлар, бизнесини йўлга қўйдиган инвесторлар ва бошқаларга катта қўлайлик яратди.

Таширф доирасида иқтисодиёт, савдо, молия, таълим, илм-фан ва инновация соҳаларида оид ҳукуматлараро ва идоралараро 9 та ҳужжат имзоланди. Томонлар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилишини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Бундестаги Раиси Вольфганг Шойбле билан ҳам учрашди.

Бундестаг Германиянинг бир палатали парламенти бўлиб, қонунлар қабул қилишдан ташқари Федерал канцлери сайлаш ҳамда ҳукумат фаолиятини назорат қилиш каби муҳим функцияларни ҳам бажаради.

Ўзбекистон ва Германия парламенти ўртасида яхши алоқалар йўлга қўйилган. Олий Мажлис Қўнучилик палатасида

Бундестаг билан ҳамкорлик бўйича "Ўзбекистон — Германия" гуруҳи, Бундестагга эса "Германия Федератив Республикаси — Марказий Осиё" гуруҳи ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқларимиз манфаатини таъминлашда парламентлар муҳим ўрин тутушини таъкидлади.

Бундестаг Раиси мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида рўй бераётган ўзгаришларни юқори баҳолади.

Мулоқотда қонун устуворлигини таъминлаш, парламент назорати, ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Таширф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва бошқа соҳаларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича қабул қилинадиган "Йўл харитаси"га асосан парламентлараро ҳамкорлик қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг Германияга расмий ташири барча даражадаги, жумладан, парламентлар ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб бергани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Бундестаг биносини кўздан кечирди. Мамлакатимиз делегациясига Бундестаг тарихи ва фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куннинг ўзида Мюнхен шаҳрига таширф буюрди. Ўзбекистон делегацияси учун ахратилган қароргоҳ ёнида Баварияда ўқибётган, ишлаётган ўзбекистонлик ёшлар билан мулоқот қилди.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбари расмий таширф доирасида Бавария федерал ўлкаси Бош вазири Маркус Зёдер ҳамда Германиянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашди.

ЎЗА

## ЖАМИЯТИМИЗДА МУРОЖААТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Давоми.  
Бошланғичи 1-бетда

Баянда танқидий мақолалар газеталарда чоп этилган, унга муносабат билдириши керак бўлган ташкилот шу муаммонни бартараф этгунча жавобни биров қўзиши мумкин. Бироқ муаммони ҳал қилиш масаласи ёки муддатлари ҳақидаги жавоб ёки муносабат белгиланган муддатларда берилиши керак. Муаммони қўриб туриб эътиборга олмастасиз эса янчили ҳолатдир. Агар газета саҳифаларида берилаётган танқидий мақолалар эътибордан четда қолверса, тегишли вазирилк ва идоралар бундан тўғри хулоса чиқармаса, сизу бизнинг ҳаракатларимиздан натижа бўлмади.

Замонавий журналистикада тезкор ахборот даромад манбаига айланиб бормоқда. Баъзи ОАВлар танқиддан фақат эътиборни тортиш учунгина фойдаланиб, унинг кейинги тақдири билан унчалик қизиқ-

МУАММО ҲАЛ ЭТИЛАДИ, ОҚИБАТЛАРИ БАРГАФ ҚИЛИНАДИ

Муаммо ҲАЛ ЭТИЛАДИ, ОҚИБАТЛАРИ БАРГАФ ҚИЛИНАДИ

майти. Шу сабабдан ҳам танқидий материалларнинг барчасига тегишли ташкилотлардан жавоб олинмаётганлигида журналистларнинг ҳам "хисса"си бор. Лекин бир нарса ни унутмаслигимиз керак, барчамизнинг асосий вазифамиз халқ манфаати учун биргаликда, ҳамжиҳатликда хизмат қилишимиз.

"Нусиқ" газетасида асосан прокуратура органларининг жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқиланган манфаати, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини



ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти изчил ёрилади.

Давлатимиз раҳбарининг мурожаатлар билан ишлаш ва халқ билан мулоқотни кучайтиришга оид тушунтиришлари ижроси юзасидан газета саҳифаларида прокуратура органларининг бу борадаги фаолияти мунтазам ёритилмоқда. Утган 2018 йилда тахририятга жисмоний ва юридик шахслардан 200 дан ортик турли мазмундаги мурожаат келиб тушган. Ҳар бир мурожаатга тегишли тартибда жавоб юборилди.

Бундан ташқари, тахририя-

тимиз ижодий жамоасининг бевосита ташаббуси билан жойлардаги камчиликлар, ечимини қўтиб турган муаммоларга доир танқидий-таҳлилий мақолалар чоп этилди. Бундай материалларга давлат органлари ва муассасаларидан тегишли жавоб хатлари олинган.

Хусусан, газетамизнинг 2018 йил 24 май 21-сонига Тошкент вилояти Урта Чирчиқ тумани "Қумовул" қишлоқ фуқаролар йиғини Янги ҳаёт маҳалласи ҳудудида газ қувури тортилишида аҳолининг қатъини йўли ҳисобга олинмагани ҳолати фотофакт билан танқид қилинган эди. Бу ҳолат юзасидан тегишли давлат органининг жавоб хати олинган ва танқид қилинган ҳолат ижобий ҳал этилган.

Газетанинг 2018 йилда 7 июнь 23-сонига эълон қилинган "Кичик муаммоннинг катта оқибатлари" номли танқидий мақолада Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Алишер Навоий кўчасидан ўтган оқова сув тармоғининг янчили ҳолати, атрофга кўтарилаётган

бадбўй ҳид аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётгани баён этилган. Ҳолат юзасидан тегишли давлат органларини ўрганиш олиб бориб, мавжуд муаммо ижобий ечим топган.

Бундан ташқари, "Занг босган қувурлар ёхуд ичимлик суви қачон келади?", "Йўл ўртасидаги ёзувлар", "Бағдод паркида ҳаммаёқ тинч", "Хайрли иш охирига етказилди" сингари танқидий мазмундаги қўллаб материаллар ҳам газета саҳифаларидан жой олган. Буларнинг барчасига вилоят ҳокимликлари ва бошқа тегишли органлардан жавоб хатлари олинган.

Аслида кўтарилаётган муаммога ўз вақтида муносабат билдириш ёки билдирмаслик ўша ташкилотда ишлаётган мутахассисларнинг ўз фаолиятига нисбатан масъулияти қандайлигини кўрсатади. Бу жараёнда, табиийки, мурожаат маданияти ҳам қай даражада экани намён бўлади.

Абдулазиз МУСАЕВ,  
ЎЗА

# Концепция халқимиз даромадларини оширди

Президентимизнинг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони солиқ сиёсатида янги саҳифа очди. Янги солиқ концепцияси бу сафар тор доирада, сокин кабинетларда қабул қилинмади. Аксинча, 3 ой давомида жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ва ижтимоий тармоқларда жуда кўп баҳслар бўлди. Минглаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Икром ЖУМАЕВ,  
Сурхондарё вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи

даги солиқ юки даражасидаги номуносибликларни бартараф этиш мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб ўтган йил якунлари бўйича йиллик товар айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида ушбу чегаравий миқдорга етган хўжалик юритувчи субъектлар умумбелгиланган тартибда солиқ тўлашга ўтадилар.

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби бўйича солиқ тўловчиларга солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилди. Ушбу солиқ ставкасининг пасайтирилиши ҳисобидан жорий йилда вилоятимиздаги хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида 20,1 миллиард сўм миқдорда маблағлар қолиши кутилмоқда.

Юридик шахсларнинг фойда солиғи 14 фоиздан 12 фоизга, дивидендлар ва фойзалар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинмаган фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фоизга туширилди. Шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари-

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида солиққа тортиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш кўзда тутилди. Қулай рақобатли муҳит яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юкларини камайтириш, республикамизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш концепциясининг асосий мақсадларидан бири бўлди.

Биринчи навбатда фуқароларнинг даромадларини ошириш бўйича имтиёзлар берилди. Жумладан, жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз миқдорига белгиланди. Фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ушлаб қолинмаган 8 фоизли сугурта бадалли бекор қилинди.

Жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғининг ягона 12 фоиз ставкада ҳисобланиши фуқароларнинг иш ҳақи кўринишидаги даромадлари ўртача 6,8 фоизга оширилиши билан бирга, барча солиқ тўловчилар томонидан ходимлар сонини ҳисоботда тўлиқ кўрсатилиши ва солиқ тўловчиларнинг кўпайишига хизмат қилади. Бу эса биргина Сурхондарё вилоятида бюджетга қўшимча 235,3 миллиард сўм миқдорда қўшимча маблағларни жалб қилиш имконини беради.

Солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар боис жорий йил 1 январдан вилоятдаги фуқароларнинг қўлга оладиган иш ҳақлари 29,9 миллиард сўмга кўпайди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ушлаб қолинмаган 8 фоизли сугурта бадалининг бекор қилиниши натижасида 2019 йилда воҳамизда истиқомат қилаётган фуқароларнинг қўлга оладиган иш ҳақлари суммаси 29,9 миллиард сўмга кўпайиши кутилмоқда.

Солиқ юки даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишининг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртаси-

га юридик шахсларнинг обороти (тушуми)дан ундириладиган 3,2 фоизли мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш бекор қилинди. Ягона ижтимоий тўлов 25-15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди.

Мисол учун, Термиз шаҳридаги "Шержон-Бунёдор" маъсулияти чекланган жамиятида 878 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритади. Ушбу хўжалик юритувчи субъект йирик корхоналар таркибига киргани учун 25 фоизли ставкада 2018 йилнинг 11 ойи давомида 1 миллиард 883 миллион сўм миқдорда ягона ижтимоий тўлов тўланган. Концепцияга асосан солиқ ставкасининг 25 фоиздан 12 фоизга туширилиши натижасида жорий йилнинг 11 ойида 903 миллион 920 минг сўм ягона ижтимоий тўлов ҳисобланиши, корхона ихтиёрида 979 миллион сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

Солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш мақсадида олиб борилаётган бу каби ислохотлардан бош мақсад, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш, хуфиёна иқтисодиётга барҳам бериш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, халқ фаровонлиги ва юрт ободлигини таъминлашдир.



## Истиқлол ва буюк келажакнинг ҳуқуқий кафолати

Файратжон СУЛТАНОВ,  
Департаментнинг Хоразм вилоят  
бошқармаси бошлиғи

Ҳуқуқий давлатчилик сари интилган ҳар қандай демократик жамиятда Конституция устувор аҳамият касб этади. Жамиятнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий тизимида ҳам юз бераётган ислохотлар даврида Конституциянинг аҳамияти янада ошади. Фақат давр талабларига жавоб берадиган Асосий қонунгина йирик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг самардорлиги учун зарур бўлган ривожланиш ва барқарорлик уйғунлигини таъминлаб бера олади.

Конституция давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги кифоаси, ҳаёт тарзи, балки келажакни, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий пойдеворини белгилаб берувчи ҳужжатдир. Унда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида муттасил иш олиб боришмоқда. Бир сўз билан айтганда, жамиятда, ҳар қайси оила ва фуқаро ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституцияимизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси десак, янгиликмаймиз.

Жумладан, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, сенатор ва депутатларнинг халқ билан мунтазам мулоқот олиб бориши замирида ҳам миллий қомусимиз асослари мўжзамдир. Конституцияимизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Шунингдек, фуқароларнинг бу конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш механизми Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни, бошқа тегишли қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.

Маълумки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш тамойилига таяниб, бугун ушбу эзгу ва олижаноб мақсадлар асосида салмоқли ишлар амалга оши-

рилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида халқ билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усуллари тизимли равишда ташкил этилганини ҳар бир туман ва шаҳарларда фаолият юритаётган Президент Халқ қабулхоналарида ҳамда Виртуал қабулхоналар мисолида қўришимиз мумкин. Шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотларида фуқароларнинг мурожаатини қабул қилиш механизми яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жониворларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси ва бўлимларида фаолият кўрсатаётган "Ишонч телефон"лари ҳамда электрон хизматлар орқали фуқаролар, барча тоифадаги солиқ тўловчилар ва тадбиркорлик субъектларидан бўлаётган мурожаатлар, хат ва аризалар ўз вақтида қабул қилиниб, изчил ўрганиб, таҳлил этиб боришмоқда.


Хусусан, ўтган даврда Президент Виртуал қабулхонасидан 8 та, Бош прокуратурадаги "Ишонч телефон"и орқали 5 та, Департаментнинг "Ишонч телефон"лари орқали келиб тушган 2 та мурожаатлар муддатида қонуний ҳал қилинмоқда. Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари "Ишонч телефон"лари орқали фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг барчаси рўйхатга олинди, белгиланган тартибда ижроси таъминланмоқда.

Шунингдек, 269 нафардан ортиқ фуқародан 300 га яқин мурожаат олинди. Улардан 84 тасининг Департамент органлари томонидан қўриб чиқилиши таъминланди. 151 та мурожаат тегишлилиги бўйича бошқа идораларга юборилди, 9 таси аноним деб топилди.

Таъкидлаш жоиз, жамиятимиз ҳаётида сиёсий, ҳуқуқий маданият тушунчасининг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Зеро, жамият сиёсий маданиятининг юксак кўрсаткичи — кишиларнинг давлат олиб бораётган ички ҳамда ташқи сиёсатини, унинг асосий йўналишларини, маъзунини ва амалга ошириш усул ҳамда услубларини тўлиқ тушуниши ва тушунтира билишидир. Демак, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жihatдан фуқаролар сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқлиги ўз исботини топмоқда.

Жорий йилнинг 17 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

# ТўЛОВ ИНТИЗОМИ — ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



дан ортик юридик шахсларнинг электр энергияси ва табиий газдан дебитор қарздорлигини камайтириш бўйича уларнинг бандаги ҳисоб рақамларига 868 миллиард сўмдан зиёд инкассо топшириқномалари юборилди.

Шунингдек, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширмаган, ноқонуний равишда тармоққа уланган ва энергия ресурсларини талон-торож қилган 20 мингга яқин юридик ва жисмоний шахслар электр энергияси ва табиий газ тармоғидан узилди. Табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузган 1 минг нафарга яқин истеъмолчига 566 миллион сўм, электр энергияси бўйича 1 минг 300 дан зиёд истеъмолчига 652 миллион сўмдан ортик маъмурий жарималар қўлланилди.

Бундан ташқари, ўтказилаётган хатлов жараёнида 2 301 та ҳолатда электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилди. Хуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан 8,6 миллиард сўмлик зарардан 5 миллиард сўмдан ортингининг ундирилиши таъминланди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ўтказилган тадбирлар давомида жами 34 та, шу жумладан, энергия ресурсларини талон-торож қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185-2-мод-

**Элбек ИНАМДЖАНОВ,**  
Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари

кент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан Чилонзор туманида ўтказилган текширувда "Grand Toffee MS" МЧЖ таъсисчиси Ж.Носировга тегишли уйда умумий фойдаланишдаги водопровод тармоғига ўзбошимчилик билан улашиб, ноқонуний фойдаланиб келинаётганлиги натижасида 20 миллион 821 минг сўм зарар етказилганлиги аниқланди.

Шунингдек, Бюронинг Учтепа туман бўлими ходимлари томонидан фуқаро Б.Ибрагимов истиқомат қилувчи Учтепа туманидаги хонадонда электр энергиясидан фойдаланиш ҳолати текширилганда, истеъмолчи кўзга кўринмас мослама орқали электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келганлиги маълум бўлди. Туман электр таъминоти корхонасининг қайта ҳисоб-китоб маълумотномасига кўра, Б.Ибрагимов электр энергиясидан 2015 йил 10 октябрдан 2018 йил 10 октябрга қадар ноқонуний фойдаланиб келганлиги натижасида корхона манфаатларига 28 миллион 862 минг сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди.

Мухтасар қилиб айтганда, қонун ҳужжатлари устидан назорат аввало, фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, қонун устуворлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларга қарши курашиш тараққиётнинг муҳим омили бўлибгина қолмай, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлишига ҳам хизмат қилади.

Бугунга келиб суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлашга, жамиятда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш муҳитини ҳамда энергия ресурсларини талон-торож қилиш ҳолатларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси органларининг мутасадди ходимлари иштирокида соҳада амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар мунтазам равишда муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, Республика турар жой ва нотурар жой фондиди инвентаризациядан ўтказишга оид ташкилий тадбирларни белгилашга доир қўшма фармойиш ижроси юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси, Бюронинг шаҳар бошқармаси ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда пойтахтда турар ва нотурар жой фондиди инвентаризациядан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилиб, бу борада амалга оширилган

ишлар ўзининг самарасини кўрсатмоқда. Жумладан, Бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси ва туман бўлиmlарининг иш юритувидаги 7,5 триллион сўмдан ортик 831 мингга яқин ижро ҳужжатидан 6,5 триллион сўмлик 607 мингдан ортингининг ижроси таъминланиб, шундан 3 триллион сўмга яқин пул маблағлари амалда ундирилди. Шунингдек, 2018 йил якунига кўра, 598 мингдан ортик истеъмолчининг турар ва нотурар жой фонди хатловдан ўтказилиб, табиий газ бўйича ҳисоблагич мавжуд хонадонлардан 103 821 тасига, электр ҳисоблагич мавжуд хонадонлардан 165 072 тасига тамгалар ўрнатилди.

Истеъмолчилардан 130 102 нафарига замонавий технологиялар асосида автоматик тарзда ишлайдиган, АСКУЭ тизимига уланган ҳисоблагичлар

ўрнатилган.

Мазкур ҳисоблагичлар ўз навбатида, истеъмолчиларнинг дебитор қарздорлигини камайтириш, тўлов интизомини мустаҳкамлашга ижобий таъсир этмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳри бўйича электр энергияси ва табиий газдан фойдаланилганлик учун тўловлар ўз

**19 та ҳолатда етказилган зарарлар қопланганлиги сабабли жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорлар қабул қилинди.**

вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида юзага келган 346 миллиард сўмлик қарздорлики бартараф этиш юзасидан 537 мингдан зиёд жисмоний ва юридик шахсларга таъминланган берилди. 26 минг-

дасига асосан 15 та жиноят иши қўзғатилиб, 19 та ҳолатда етказилган зарарлар қопланганлиги сабабли, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, Бюронинг Тош-

FAOLIYAT

## Темурбеклар мактабида прокурор соати

Бугун эртағамиз эгалари бўлган ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва баркамол инсонлар бўлиб камолга етиш учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, у асосида қабул қилинаётган қонунлар ва қонуноти ҳужжатлари таълим-тарбия ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга, баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Айниқса, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ёшларнинг хуқуқ ва имтиёзларини, уларнинг мақсад ва вазифаларини, баркамол инсон бўлиб шаклланиши учун давлат ва жамият ҳамда жамоат ташкилотларининг хуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" ги Фармонига асосан буюк давлат арбоби ва саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик фазилатлари ёш авлод учун ўрнатилган.



бўлиб хизмат қилишини инobatга олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига "Темурбеклар мактаби" номи берилди.

Шунингдек, Президент фармонида кўра, мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш бўйича чоратадбирлар амалга оширилиши белги-

ланган. Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан мазкур фармон асосида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгилаб олиниб, ижро этиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳридаги "Темурбеклар мактаби" ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида мактаб маъмурияти билан келишилган ҳолда, 2018 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ҳаф-

**Жамшид ТЕМИРОВ,**  
Тошкент ҳарбий прокурорининг ўринбосари

танинг ҳар пайшанба куни "прокурор соати" дарси жорий этилди. "Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонуннинг устунилиги", "Вояга етмаганларнинг маъмурий ва жиноий қонунчиликдаги жавобгарлик асослари", "Ёшлар хуқуқий маданиятини юксалтиришда Конституциянинг ўрни", "Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий асослари" мавзуларида дарслар ўтказилди. Шу билан бирга, мактаб маъмурияти билан келишилган дарслар жадвалига асосан жамиятда долзарб бўлган мавзулар танланган ҳолда, доимий равишда "прокурор соати" дарслари ўтказилиши белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, "Темурбеклар мактаби" келгусида соҳибқирон Амир Темур бобомиз каби ватанпарвар, мард, фидойи ҳамда иқтидорли ёшлар тахсил оладиган маскан бўлади. Хулоса қиладиган бўлсак, боболаримизга муносиб бўлган, керак бўлса, улардек мард, фидойи, адолатпарвар ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаб вояга етказиш масъулияти зиммамизда эканлигини доимо ёдда тутишимиз даркор.



# ХАЛҚ КАЙФИЯТИ

## бошқарув идоралари ходимларининг сабъ-ҳаракатига боғлиқ

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Норин туманида ҳам ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар ва Давлат солиқ идораларининг худудий органлари раҳбарлари бошчилигида тузилган секторлар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Уларнинг сабъ-ҳаракатлари билан худудда аҳоли турмуш шароити яхшиланмоқда. Хусусан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш, даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати сифатини ошириш

имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўяётганларнинг кўпчилиги қуварнари. Зеро, бу худуднинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий раванқида муҳим роль ўйнайди. Худуддаги аҳоли бандлигидан ҳам билса бўладики, коммуникация, ободонлаштириш ва бандлик масалаларини борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилаётгани табиий.

Албатта, сектордаги қону-

Хурсанали РАПИКОВ,  
Норин туман прокурори

этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди. Бўш иш ўринлари ярмаркаларида тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалардан 147 таси ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳамда иш фаолиятига оид кўргазмалари жиҳозлар билан иштирок этишди. Тадбирларда 411 нафар фуқаро иштирок этиб, улардан 380 нафарига меҳнат қонунчилиги, кредит олиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича маслаҳатлар берилди.

Аҳоли томирқаларидан самарали фойдаланиш мақсадида 14 та маҳалла фуқаролар йиғини худуддаги 420,9 га. ер майдонларида экин экилиши таъминланди. Шунингдек, 70 нафар кам таъминланган оилага бепул мевали дарахт ҳамда сабзавот қўчатлари етказиб берилди.

Туман прокуратурага бириктирилган сектор худудда кичик саноат зонаси ташкил этилиб, 4 та лойиҳада 45 та иш ўрни яратиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга асосан сектор худудда 4 та лойиҳа бўйича ташаббускорларга ер майдонлари ажратиб берилди. Хозирда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Умуман олганда, секторлар фаолияти мутасаддилар масъулиятини янада ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, энг муҳими, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган. Келгусидаги вазифамиз ҳам ишчи гуруҳ томонидан аҳолининг барча қатмалари билан доимий мулоқотни изчил давом эттириб, мавжуд

Кам таъминланган 70 та оилага мевали дарахт ҳамда сабзавот қўчатлари бепул етказиб берилди.

корлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида 22 нафар фуқарога имтиёзли кредит олиш учун тижорат банкларига тавсияномалар берилиб, улардан 19 нафарининг 195,4 миллион сўм кредит олиши таъминланди.

61 нафар тадбиркорни қийнаётган муаммолар туман прокуратураси томонидан ўрганилиб, 12 та тадбиркорлик субъектига муаммоларни бартараф

ахволни мунтазам ўрганиб бориш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, босқичма-босқич бандлик, коммунал, моддий ёрдам, уй-жой масалалари билан боғлиқ муурожаатларнинг ечимини топишди. Шундангина олдимизга қўйган мақсадимиз рўёбига, яъни аҳоли турмуш сифати ҳамда даражасини юксалтириб, одамларни рози қилишга эриша оламиз.

# Чўкаётган одамлар қутқарилди

Қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда мутасадди давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бирга бошқа корхона ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фаол фуқаролар жонбозлик кўрсатишмоқда. Амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан ишлаб яшаётган, теварак-атрофда юз бераётган воқеаликка бефарқ бўлмасдан фаол фуқаролик нуқтан назари билан ёндашаётган, зарур пайтда сира иккиланмасдан ўзларининг ҳаётини ҳафс остига қўйиб бўлса-да, оғир аҳволга тушиб қолган юртдошига ёрдамга ошиқадиган фуқаролар ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлишмоқда.

Анваржон НАЗАРОВ,  
Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Кўштепа туманининг "Дўрмон" МФЙ худудидан оқиб ўтган Катта Фарғона канали ёқасидаги йўлда Қоражиёда қишлоғига бораётган "Москвич — 412" русумли автомобиль каналга тушиб кетганини кўриб қолади. Посбон ўша заҳоти ўзини каналга ташлаб, автомашина ичида бўлган эркак ва аёлни, кейин маълум бўлишича, чўкаётган фуқаролар Б.Музаев ва рафикаси Р.Музаевларни қирғоққа олиб чиқиб, ҳаётларини сақлаб қолади. Худди шунингдек, ўтган йилнинг 16 июль кунни кечқурун соат 21:00 ларда Кўштепа тумани "Катта Бешкапа" МФЙ Боғимайдон кўчасида фуқаро Х.Ёқубовни уч безори — А.Асқаров, Х.Йўлдошев ва Ж.Абдуллаевлар темир жисмлар билан ураётганда, хизмат вазифасини бажараётган туман ИИБ бошлигининг ўринбосари М.Қундузов кўриб қолади ва жабранлувчига ёрдамга ошиқадди. Ички ишлар ходимининг югуриб келаётганини кўрган безорилар қочишди. М.Қундузов ерда ётган Х.Ёқубовнинг туман марказий шифохонасига юборилишини таъминлаб, безориларнинг ортидан қувди. Тез фурсатда безориларни ушлаб туман ИИБга етказди. М.Қундузов бир фуқаронинг ҳаётини асраб қолиш барибарда оғир жиноят фош этилишини таъминлайди.

Зарур пайтда беминнат қўлаб-қуватлаш, керак бўлса, фалокат рўй берганда, сира иккиланмасдан жабранлувчиларни қутқариш олижаноб инсоний фазилатлардандир. Вилоят прокуратураси жамоасининг таклифи билан фуқаролик ва хизмат бурчини адо этишда ибрат кўрсатган Давронбек Мадраҳимов ва Муроджон Қундузовга вилоят прокурори фармойиши асосида ташаккурнома эълон қилиниб, рағбатлантирилди.

JINOYAT VA JAZO

# Ҳеч ким билмайди, деб ўйлаган эди...

Абдулла СУЛТОНОВ,

Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Интернет тармоғига «ўргимчак тўри» деб жуда тўғри таъриф беришган. Хоҳ қомпоьтердан бўлсин ёки мобил телефондан бўлсин, бир нарсани кўраман деб сайтга кирасизу, чиқолмай қоласиз. Ўзига оҳанрабодай тортадиган яна бирор нимага кўзингиз тушади. Шундай қилиб вақт ўтганини ҳам, қагчадир пулингиз кетганини ҳам билмай қоласиз.

Насиба Кудратова (исм-фамилияси ўзгартirilган) ҳам планшетида интернет тармоғига кириб турарди. Кейинчалик жамоат тартибига таҳдид соладиган диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапараistik гоялари йўғрилган материалларни кўришга муқаддасдан кетди.

У тармоқнинг "odnoklassniki.ru" сайтида ўзининг шахсий профилини очди. Ушбу профилдан фойдаланиб "Мужоҳид", "Абу Муваҳхид", "Қасос қалба ёнади" номи шахслар билан турли ёзишмалар олиб борди. Тармоқнинг турли сайтлари орқали мунтазам равишда Сурия ва Ироқ давлатларидаги кўпоруқчилик, террорчилик жараёнлари қайд этилган видеороликларни томоша қилиб келгани етганингдек, уларни ўзида сақлаб, виртуал дўстларига "класс" босиб йўли билан тарқатиб келди.

Суд мажлисида у қилган ишидан чин кўнгулдан пушаймонда эканлигини, қилмишининг оқибатларини аглаб етганини баён қилиб, қонуний енгилик берилишини сўради.

Суд ҳукми билан Насибага 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

# ОСОЙИШТА ЮРТДАН МЕҲМОН АРИМАЙДИ

Президентимиз томонидан Ўзбекистонни дунёда энг ривожланган давлатлар қаторига қўйиш, фуқароларнинг бахтли ва фаровон турмуш кечиришларини таъминлаш, меҳмон аримайдиغان файзли маконга айлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз айтганидек, сайёҳ бирон давлатга боришдан олдин, аввало, ўша юртдаги ижтимоий-иқтисодий муҳит билан қизиқади. У биринчи навбатда, ўзининг ҳуқуқлари кафолатланганига, турли хавф-хатардан холи эканлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Бошқача айтганда, сайёҳ тинч ва осойишта юртга қадам ранжида қилади.

лантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан туристик хизмат кўрсатувчи объектларга қатор имтиёзлар берилди, уларга илгари қўйилган айрим талаблар олиб ташланди. Демак, энди юртимизга келувчи сайёҳлар оқими янада кўпаяди. Биз эса меҳмонларни юртимиз тинчлигига, одамларнинг кўнгли очкилигига ишонти-

ришимиз ва хавфсиз туризмни кафолатлашимиз лозим.

Ушбу жараёнда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ички ишлар вазири томонидан ўтган йилнинг 30 ноябрь куни вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш қарори билан тасдиқланган "Хоразм вилояти Урганч шаҳри ва туманларида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини янада жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури" ижроси назоратта олинди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида жиноятчиликка қарши

курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишлари таҳлили асосида бу борадаги фаолиятни қамқолаштириш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳар бир шаҳар ва туман кесимида 2019 йилда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

## Туристлик хизмат кўрсатувчи объектларга қатор имтиёзлар берилди.

Ўтган йили вилоят ҳудудида умумий жиноятчилик 2017 йилга нисбатан 1138 тага, ўта оғир жиноятлар 33 тага, оғир жиноятлар 158 тага қамайишига эришилди. Бу албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, кенг жамоатчилик ҳамкорликда олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари, амалий чоралар самарасидир.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида вилоятдаги 512 та маҳаллада 515 та "Жамоатчилик назорати масканлари" ташкил этилди. Бундай чоралар самараси ўлароқ, олдинги йилга нисбатан маҳаллаларнинг 119 тасида жиноят қамайишига, 244 тасида умуман жиноят содир этилмастлигига эришилган.

Урганч ва Хива шаҳарларида жамоат тартибини сақлашда ҳудудни кузатиб бориш орқали тегишли ташкилотларга тезкорлик билан хабар етказиш ҳамда фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат бериш мақсадида 8 та жойда мобил постлар ташкил қилиш чоралари кўрилмоқда.

**Гулномбек АТАДЖАНОВ,**  
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Вилоят ИИБ хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси томонидан Хива ва Урганч шаҳарларида туристларга нисбатан ва уларнинг ўзлари иштирокида содир қилиниши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Олиб борилган чора-тадбирларга қарама-қарши, муқаддам сулданган 48 нафар шахс томонидан 54 та, 238 нафар ишсизлар томонидан 237 та, 216 нафар аёллар томонидан 261 та, 43 нафар воғга етмаганлар томонидан 45 та жиноят содир қилингани бизни янада ҳушёр бўлишга, аниқ ва тизимли чоралар кўришга ундайди.

Айни кунларда вилоят ҳудудидagi хонадонлар ҳамда фуқароларни уйма-уй юриб ўрганиш орқали паспорт маълумотларини кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамига боғлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар давомида нотинч, турмуш даражаси оғир, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар ҳисоби қайта кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил шахслар тизимли равишда аниқлаб борилмоқда. Асосийси, вилоят аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, айниқса, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Йўл ҳаракати хавфсизлиги чоралари кучайтирилмоқда.



Бугун мамлакатимизни дунёдаги энг осойишта, энг хавфсиз мамлакатга айлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз шу йил 5 январда имзолаган "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонда ҳам "мамлакатнинг саёхат ва дам олиш учун хавфсиз сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш" масаласи белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг "Туризм тармоғини жадал ривож-

Шерғози Кўчқоров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўттиз икки ёшда, уйланмаган, шаҳарнинг "Тўғонбоши" маҳалласидаги ҳовли уйда ёлғиз яшаган. Бирон жойда ёлчитиб ишланмаган. Дуч келган юмуш билан тирикчилик қилган.

## Пичоқ кўтарган «тақводор» йигит

**Иқболжон РАСУЛОВ,**  
Кўқон шаҳар прокурорининг ўринбосари

Беш йил муқаддам у безорилик қилиб, жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноят иши амнистия актига биноан тугатилади. Гўёки, ўзини ён-веридагиларга "тақводор" қилиб кўрсатиб, масжидга қатнаб, намоз ўқиб юрса-да, аввалги "хунари"ни тарк этмайди. Спиртли ичимлик ичиб, кайфи ошганида таниш-билишлари билан гап таллашиб, мушлагади. Тортишиб қолган одамлардан кези келганда, ўч олишни дилига тугиб қўяди. Ёнида букланадиган пичоқ олиб юради.

Ўша куни жума номозига борганда, аввал уришиб қолган танишлари Элдор ва Шамсибек билан ҳеч нарса бўлмагандай кўришиди. Албатта, бу мўмин инсонга хос бўлган фазилат. Лекин...

Шу куни Ш.Кўчқоров шаҳарнинг "Карвон" чойхонасида тушлик қилди. Овқатланиб бўлгач, ташқарида, сўрида ўтирган Элдор билан Шамсибекга кўзи тушиб, уларнинг ёнига борди. Шамсибекка жанжални эслатиб, буклама пичоғини биқинига санчиб қочиб кетди. Шамсибекни дарҳол шифохонага етказиб боришди.

Шерғози катта кўчага қочиб, чиқиб таксига ўтирди. Наманган вилоятининг Чуст туманида бир ҳафта яшириниб юргач, Кўқон шаҳрига қайтиб келди. Кечқурун соат тўққиз яримларда ошналари Аъзамжон, Жаббор билан кўришди. Гаплашиб туришганида ёнларидан таниш йигит бошқарган "Матиз" машинаси ўтиб кетиб, бир оздан кейин ортага қайтди. Аъзамжон кутилмаганда "Матиз"нинг йўлини тўсди. Бундай ҳаракатни кутмаган ҳайдовчи тормозин босиб, машинани тўхтатганида Аъзам автоулов остида қолди. Шерғози эса гўёки шеригига ёрдам беришга шошиб, машина ойнасини синдириб, ҳайдовчининг елкасига пичоқ санчи. Ҳайдовчи машинадан тушиб қочди. Шу яқиндаги эшиги очик турган ҳовлига кириб олди. Унинг ортидан қувиб келган Шерғозини хонадон эгаси ичкарига киритмади. Эзравоннинг қораси ўчгач, ҳайдовчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун "Тез ёрдам" чақирди.

Бу орада Аъзамжонни "Матиз"нинг остидан чиқариб олишди ва шифохонага элтиб қўйишди.

Аввал ҳам судланиб, табвасига таянмаган, безорилик қилиб, қасддан бировларга тан жароҳати етказган Ш.Кўчқоровга суд беш ярим йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

JINOYAT VA JAZO

## Боланинг боши ёрилди ёки кап-катта одамнинг қилмиши

**Шохрух РЎЗИЕВ,**  
Чирочқи туман прокурорининг ўринбосари

Фуқаро М.Аликулова девор ортида бақириб йиғлаётган ўғлининг овозини эшитиб, капалаги учди. Қўлидаги нарсани бир четга улоқтирганча ўша томонга югурди. Шу пайтда рўпарадаги газ қуйиш шохобчаси деворидан кимдир пастга сакраганини кўрди. Бунга эътибор бермай, ўғлининг ёнига ошиқди. Пешонасидан қон оқаётган ўғлини кўргач эса ҳушидан кетаётди...

Аслиддин ҳар куни молларини уйининг орқасидаги томорқасида ўтлатиб келарди. Ўша куни ҳам мактабдан келгач, молларни ўша томонга олиб борганди. Бола эмасми, зериканидан деворга тош, кесак отиб ўйнаб турарди.

Томорқанинг бир томонида газ қуйиш шохобчаси жойлашган бўлиб, шохобча эгаси Незмат Юлдошев феъли торроқ инсон эди. Шу боис, баъзида қўшни уй эгалари билан арзимаган нарсалар устида тортишиб турарди.

Аслиддин молларни ўтлата туриб, яна эски одатига кўра қўлига кесак олиб, деворга ота бошлади. Кесаклардан бири кутилмаганда баландроқ учиб, шохобча ҳовлисига ўтиб кетди. Ўша пайтда ҳовлида юрган Незмат нариги томондан учиб келган кесакни кўриб, жажд отишга минди. "Э, сени..." деганича қўлига тош олиб, деворга тирмашди. Пастда ўзи билан ўзи овора бўлиб турган болани кўриб, қўлидаги тошни жажд билан унга қараб отди. Зарб билан отилган тош Аслиддиннинг бошига тегиб, пешонасини ёрди. Незмат катта иш қилгандек, бамайлихотир пастга тушди.

М.Аликулова ўғлининг пешонасидан оқаётган қонни артиб, эрини чақирди. Эр-хотин

Аслиддинни зудлик билан шифохонага олиб боришди ва бўлиб ўтган воқеа ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишди. Уларнинг мурожаатига кўра суд-тиббий экспертизаси тайинланиб, Аслиддинга бош миянинг ўрта даражада лат ёйиши, ҳаёт учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказилганиги тўғрисида ҳулоса берилди.

Ана шундан сўнг Незмат Юлдошевга нисбатан жиноий иш очилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Табиийки, муштумзўр ҳам жим қараб турмади. Боланинг ота-онасининг даввосини тухматга чиқармоқчи бўлиб, бир талай гувоҳларни ўйлаб топди.

Эмишки, ўша куни Аслиддин деворга ўзи чиқиб, мувозанатини тутолмай йиқилиб кетган ва буни "Тико" автомашинасида шохобчага газ олиш учун келган жазззахлик йўловчилардан бири кўрган. Кейинчалик ўша йўловчи яна шу жойга келиб, ўша йиқилган боланинг ахволини суриштирганмиш.

"Гувоҳ"нинг бу кўрсатмалари ўзини оқламади. Чунки, вилоят ИХҲБдан олинган маълумотномада ўша куни "Умакай" мунтазам ИҲТ масканидан бу русумдаги машинанинг вилоятимиз ҳудудига келганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар қайд қилинмаганди.

Незмат Юлдошев жавобгарликдан кутулиб учун ўзини ҳар қўйга солса-да, келтирилган далиллар олдида ожиз қолди. Мушдек болага кучини кўрсатгани, уялмай унга қасд қилгани учун қонун олдида жавоб бериб, тегишли жазосини оладиган бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Чирочқи тумани суди томонидан ушбу жиноий иш атрофида муҳокама этилиб, Незмат Юлдошевга 3 йил муддатда озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

# ФАРЗАНД ДОИМО НАЗОРАТДА БЎЛСИН

Хар қандай давлатнинг келажиги ундаги ёш авлоднинг тарбияси, таълим олиши, салохияти ва соғлиғи билан чамбарчас боғлиқдир. Шу туфайли юртимизда ҳам баркамол авлодни тарбия қилиб, вояга етказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

**Жавлон САНАЕВ,**  
Самарқанд вилоят  
прокурорининг ўринбосари

лотлар билан ҳар ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари рейдлар ўтказилмоқда. Шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича 2018-2019 йилларга мўлжалланган тармоқ дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирлар доирасида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.

ИИБнинг профилактик рўйхати олинган ўқувчилар билан доимий тарбиявий ишларни олиб бориш учун масъул ўқитувчилар ва уларнинг бўш вақтларини мазмуни ташкил этиш учун тўғра раҳбарлари, шунингдек, МФЙ раиси ва жойлардаги профилактика инспекторлари бириктирилиб, улар билан алоҳида суҳбатлар ўтказиб борилиши назоратта олинди.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг иқтисодий соҳадаги билимларини мустаҳкамлаш, содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида таълим муассасаларида "Суд ва ёшлар" мавзусида учрашувлар ўтказиш аъёна тусини олди.

Вилоят ҳокимилиги, Ўзбекистон Муслмонлар идорасининг виллоятдаги вакилиги билан имзоланган тарғибот ҳақдаги асосан виллоятдаги барча таълим муассасаларида юқори синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирокида "Ёшларни ёт гоғлар таъсиридан сақлаш оила ва ўқув муассасасининг ўрни" мавзусида учрашувлар уюштирилди.

Ўқувчиларда содир бўлаётган психологик-физиологик ўзгаришларни эрта аниқлаш мақсадида 8-10 синф ўқувчиларидан махсус тестлар олинди. Салбий натижа кўрсатган ўқувчилар билан жамоавий ва яққа тартибдаги педагогик-психологик коррекцион ишлар олиб борилди. Шунингдек, ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда муайян амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, прокуратура, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, ИИБ ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссия билан ҳамкорликда "давомат", тунги назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, ўқув муассасаларидаги дарсга қатнашмасдан назоратсиз ва қаровсиз юрган вояга етмаганларни аниқлаш, ўқишга жалб қилиш бўйича мутасадди идоралар билан 61 мартаба рейд ўтказилди. Ўқувчиларни таълимга жалб этиш ва назоратсизлигининг олдини олиш мақсадида 10 минг нафардан ортиқ мураббийдан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилди.



NAZORAT

## "ИШЛИНИНГ ИШИ УНАР, ИШСИСЗНИНГ КУНИ ЎТАР"

Ўтган йили интернет нашрларида Хиндистон давлат темирйўл компаниясининг 100 минг кишилик иш ўрнига 20 миллиондан ортиқ одам ариза топширганлиги тўғрисида хабар тарқалган эди. Хайриятки, бизнинг юртимизда "ишлайман" деган одамга иш доим топилади. Йилдан-йилга иш ўринлари кўпайиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

**Комил АЛИХОДЖАЕВ,**  
Фаргона вилоят  
прокуратураси бўлим бошлиғи

қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, аиникса, оғир шaroитда яшовчи, ижтимоий муҳофазага муҳтож, шунингдек, жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этган хотин-қизларга ижтимоий кўмак бериш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жиноят содир этган аёлларга кўрсатилган амалий ёрдам натижасида уларнинг 312 нафари ишга жойлаштирилди. 24 нафар хотин-қиз мажбурий давлатишга юборилди. 350 нафар аёлга 120 миллион сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Хотин-қизларнинг турмуш шaroитини яхшилаш борасида тўрқатилган ижтимоий кўмак натижасида 1201 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди, 102 нафари уй-жой билан таъминланди. 134 нафар хотин-қиз тадбиркорликка жалб этилиб, 335,4 миллион сўмлик кредитлар олиншида амалий ёрдам берилди. Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида ўтказилган прокурор назорати тадбирлари натижасида қонун ҳужжатларига эид бўлган 21 та ҳуқуқий ҳужжатга протест келтирилиб, уларнинг қонун қилиниши ёки қонун талабларига мувофиқлаштирилиши таъминланди.

"Ёшлар — келажигимиз" Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Вилоятда ёшларнинг ишсизлик даражаси энг юқори эканлиги аниқланган ҳудудлардан Риштон, Ўзбекистон, Кува ва Сўх туманларида ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида 2018 йилда "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 752 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, Фаргона ва Кўқон шаҳарлари, Риштон ва Бағдод туманларида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ташкил этилган бўлиб, шу кунга қадар ушбу марказларда 1467 нафар ёшга бухгалтерия, юридик ва бошқа соҳалардаги мурожатлари бўйича тегишли маслаҳатлар берилди. 281 нафар ёш тадбиркорга кредитлар берилди. Тедди ажратилган лойиҳалардан 228 таси ишга туширилди, 845 нафар (шундан, 725 нафари ёшлар) фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, виллоят прокуратурасининг бевосита аралашуви билан Бувайда туманида ёш тадбиркор А.Ослонов томонидан "Стар спорт клуб" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, пайпоқ ишлаб чиқариш мақсадида жамиятга тижорат банки томонидан 260 миллион сўм кредит ажратилди ва корхонанинг фаолияти йўлга қўйилди.

Ёш тадбиркор О.Муталиповнинг лойиҳаси бўйича аса унга 500 миллион сўм кредит ажратилиб, "NSP Lego Plast" МЧЖ тасарруфида пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди.

Ёш тадбиркор О.Муталиповнинг лойиҳаси бўйича аса унга 500 миллион сўм кредит ажратилиб, "NSP Lego Plast" МЧЖ тасарруфида пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди.

Ўқувчилардан олинган махсус тестларда ҳулқи салбий натижа кўрсатган ўқувчилар билан жамоавий ва яққа тартибдаги педагогик-психологик коррекцион ишлар олиб борилди.

Вилоят прокуратураси органлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда вояга етмаганлар, аиникса, мактаб ўқувчилари ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш, ўқувчилар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, назоратсиз ва қаровсиз қолган, сабабсиз дарсларга келмаётган ёшларни аниқлаш ва дарсларга жалб этиш, вояга етмаганларнинг маданий ҳордик чиқаришларини таъминлаш мақсадида қатор амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, прокуратуранинг ташаббуси билан спортнинг футбол, шахмат, миллий кураш ва стол теннис турлари бўйича 2004-2005 йилларда туғилган 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида "Прокурор кубоги" мусобақалари ўтказилди. Мазкур мусобақаларга виллоят бўйича жами 9 минг нафардан ортиқ ўсмирлар жалб этилди.

Бундан ташқари, умумтаълим мактабларига ўқишга бормасдан, кўча-кўйларда, интернет-кафеларда, бозорларда юрган ҳамда савдосотик ишлари билан шугулланаётган ёшларни аниқлаб, уларни ўқишга жалб қилиш бўйича тегишли таши-

Риштон, Ўзбекистон, Кува ва Сўх туманларида ёшларнинг ишсизлик даражаси юқори эканлиги аниқланган.

Шунингдек, ўтган йилда виллоят прокуратураси органлари томонидан бандликка кўмаклашиш марказлари ва ҳамкор ташкилотлар билан биргалликда 193 мартаба "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 61 минг 853 нафар ишсиз фуқаронинг иштироки таъминланган. Ўтказилган ярмаркаларда иштирокчиларнинг 10 минг 767 нафарига доимий ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилиб, 8 минг 822 нафари ишга жойлаштирилган, 497 нафарига ишсизлик мақоми тайинланиб, касбга ўқитишга юборилган. Шу билан бирга, 3 минг 388 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, 1 228 та оиллага чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш, иссиқхона ташкил этиш учун 7 миллиард 543 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

Алишер Саломов Ўзбекистон Республикасининг Дубай шаҳридаги (Бирлашган Араб Амириклари) Бош консули этиб тайинланди.



# Товарсиз операция ортидаги галвалар

Равшан АБДУЖАЛИЛОВ,  
Бош прокуратура бошқарма АМИБ катта терговчиси

Йиқилгани тешиш марднинг иши эмас. Аммо, фибригарга бунинг нима аҳамияти бор. У фақат ўз нафсини ўйлайди. Бу йўлда у на дўстини, на бошқасини тан олади. Имкон бўлди дегунча, ўзганинг мулкани қўлга киритиш пайида бўлади.

2015 йилнинг май ойида "Кўйлик деҳқон бозори" АЖ фаолияти Департаментнинг Бектемир туман бўлими томонидан ўрганилганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан камомад борлиги аниқланади ва бозор мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, туман прокуратурасига юборилади.

Мазкур ҳолат бўйича жамият директори Дилмурод Назировга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзининг моддий жавобгарлигида бўлган жуда кўп миқдордаги картошка ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзлаштирилганлиги учун 2016 йил 29 мартда жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди томонидан 47 миллион 360 минг сўм жарима ва 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

"Бозорком"га яқин таниш бўлган, айнан жиноят иши билан боғлиқ ҳаракатларда фаол иштирокчи бўлган хусусий корхоналардан бирининг раҳбари Бахтиёр Аъзамов "бозор иши" терговидан хабар топиб, вазиятдан "унумли" фойдаланиб қолиш режасини тузади. Сабаби, у "олди-берди"ларда воситачилик қилган, жиноят тафсилотларидан бохабар эди-да.

Маълум бўлишича, 2015 йилнинг апрель ойида Д.Назировнинг илтимоси билан Бахтиёр пул маблағларини нақдлаштириш масаласида унга шундай қинғирликка "лаббай" деб жавоб қиладиган фирма топиб беради. Ўзаро келишувга асосан "Кўйлик деҳқон бозори" АЖ ва "Mega plaza trade" МЧЖ ўртасида гўё картошка олди-сотди қилинганлиги тўғрисида шартнома имзоланиб, товарсиз операция амалга оширилади. МЧЖ томонидан бозор ҳисоб рақамига 20 миллион сўм ўтказиб берилади. Бозор раҳбари эса келишилган фоизи чегириб қолиб, МЧЖга нақд пул бериши лозим эди.

Жамият раҳбари ваъдасида туради. Ўз навбатида, Бахтиёр ўзининг улушини олиб қолиб, қолганини воситачига беради. Ундан кейин товарсиз операция бўйича вазият қандай тус олганини юқорида келтирдик.

Бу орада Бахтиёр жиноят иши билан боғлиқ жараёнлар билан қизиқиб, терговни ким ўтказаяётганини, МЧЖ раҳбари ҳам терговга чақирилганлигини аниқлаб, тезда Дилмурод билан учрашади. Салом-алиқдан сўнг дарҳол мақсадга қўчиб, терговчи билан гаплашиб, МЧЖ раҳбарига жиноят иши кўзга тилмаслиги борасида келишгани, бунинг учун унга 4 000 доллар берганини айтиб, Д.Назировдан шу пуллари "чўзиб" қўйишни талаб қилади. "Бозорком" эса айна дамида шундоғам бўйнига қарзга ботиб кетганлигини, етказган зарарни тўлаётганлигини билдириб, бу масалада йил якунида гаплашишни таклиф қилади. Ўша пайтда ўзини танишининг ахволини тушунгандек қилиб кўрсатган фибригар аслида мақсади йўлдан дадил қадам ташлаб бўлган.

Шу билан бир мuddат жим бўлиб кетган Бахтиёр кейин Дилмуродга қўнғироқ қилиб, пулни талаб қилишга тушди. У йиллар ўтса ҳамки, шаштидан қайтай демасди. Ахйир тоқати тоқ бўлган Д.Назиров Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментга ариза билан мурожаат қилиб, Б.Аъзамовга қонуний чора қўришни сўради. Унинг аризаси бўйича ўтказилган тадбирда Бахтиёр жамият раҳбаридан 4 000 АҚШ долларини олган вақтда қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди томонидан Бахтиёр Аъзамовга 5 йил мuddатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.



FAOLIYAT

## ИЛДИЗ ОТГАН ИЛЛАТЛАР пайи қирқилмоқда

2018 йилнинг 28 декабрь куни Давлатимиз раҳбари парламентга йўлаган Мурожаатномасида ўтган йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, жорий йилга мўлжалланган режалар, очик иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокчини камайиштириш, одамларнинг ҳаёт шaroитини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Мурожаатномада бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳам мазкур тизимни ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илгор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Агрорасаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашни устидан назорат қилиш инспекциясининг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан қишлоқ хўжалигининг барча йўналишида назорат ўрнатилиб, фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, умуман, соҳада қонунийликни таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бошқарма органлари томонидан 2018 йилнинг август-декабрь ойларига 1 058 та текшириш ва мониторинг ўтказилиб, натижасига кўра, 2 522 та назорат ҳужжатлари қўллангани, 42 та ҳолатда жиноий ва 2 056 та маъмурий ишлар кўзга тилди. 83 нафар шахс интизомий ва 26 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан 390,6 миллион сўм маъмурий жарималар қўлланилиб, шундан 354,5 миллион сўмининг ундирилиши таъминланди. Соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши бўйича назорат тадбирларида 91 та ноқонуний ҳужжат протест асосида бекор қилиниб ва қонунга мувофиқлаштирилди.

Инспекция органлари томонидан пахта хомашёсини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ўтказилган текзор-таҳли-

Пахта қабул қилиш маскани мансабдор шахслари расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш йўли билан 155 миллион сўмдан ортиқроқ маблағни ўзлаштириб юборган.

лий тадбирлар натижасида 46 та ҳолатда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, 19 та жиноят ишлари кўзга тилди ва 29 та ҳолатда ҳуқуқбузарлар маъмурий жавобгарликка тортилди. Мисол учун, "Бўка пахта тозалаш" АЖ қошидаги пахта қабул қилиш маскани мансабдор шахслари пахта қабул қилиш тартибини бузиб, фермер хўжаликлари раҳбарларига бўш оқ қозғаларга имзо қўйдириб, 5 579,12 кг. пахта

то хомашёси қабул қилинганлиги ҳақидаги сохта ҳужжатлар тайёрлашгани фош этилди. Бундан ташқари, жамият мансабдор шахслари ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, синовдан ўтган усул билан оппоқ қозғар яна 23 та фермер хўжаликлари раҳбарларининг имзоларини кўйдириб, 5 280 кг. пахта қабул қилинганлиги ҳақида сохта қвтанцияларни тайёрлаб қўйганликлари аниқланди.

Шунингдек, текширишларда жамият мансабдорларининг бошқа қилмишлари ҳам юзага чиқиб қолди. Маълум бўлишича, бу "уддабурун"лар "Паризод супер инвест" хусусий корхонаси ва "Тошкенткикламчичораметалл" МЧЖ мансабдор шахслари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2018 йилнинг май ойидан сентябрга қадар 120,1 миллион сўмлик 103,6 тонна қора металл ҳақиқатда хусусий корхона томонидан жамиятга олиб келинмаган ва иккиламчи қора металл сифати-

Коллектор ва каналларда бажарилмаган ишларни "қоғоз"да бажарган мутасаддилар 470 миллион 772 минг сўм маблағни талон-торож қилишган.

да "Тошкенткикламчичораметалл" МЧЖга топширилмаган бўлса-да, металлларнинг топширилганлиги ҳақида сохта ҳисоббаракалари тузишга, хусусий корхонанинг ҳисоб рақамига пуллари ўтказиб беришган.

Бундай сохтакорлик жамиятда биринчи марта содир этилмаётган бўлиб, аввалдан шу каби ҳаракатлар амалга ошириб келинган экан. Хусусан, 2017 йилда ҳам 100,2 миллион сўмлик 34,1 тонна эҳтиёт қисмлар қора металл сифатида жамият ҳисобидан чиқарилган бўлса-да, "Тошкенткикламчичораметалл" МЧЖга 72,9 тонна 38,4 миллион сўм миқдордаги қора металллар топширилганлиги ҳақида сохта дололатномалар тузиш йўли билан давлат мулк талон-торож қилинган.

Пахта хомашёсини ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолатларни "Мустақиллик пахта тозалаш" АЖнинг Янгийўл туман пахта қабул қилиш маскани мансабдор шахслари ҳам. Улар бир қатор фермер хўжаликлари то-

монидан амалда топширилмаган қиймати 155 миллион сўмликдан ортиқроқ пахта хомашёсини қалбаки ҳужжатлар тузиш йўли билан ўзлаштириб юборганлиги аниқланди.

Шунингдек, "Мустақиллик пахта тозалаш" АЖга қарашли Куйиқирчиқ туманидаги "Кетмонтепа" пахта хомашёсини қабул қилиш маскани мансабдор шахслари томонидан экиш учун кейинги йилга қолдирилган 558 миллион сўмлик 128,2 тон-

Шухрат ХУСЕНОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги  
Инспекциянинг Тошкент вилоят  
бошқармаси бошлиги

на чигит ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб юборилганлиги ҳам маълум бўлди.

Шу билан бирга, ҳудудда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашни ўрганилганда, бир қатор қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, 3 та ҳолатда жиноят ишлари кўзга тилди. Жумладан, Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Пискент, Юқориқирчиқ, Тошкент ва Янгийўл туманларидаги фермер хўжаликлари билан Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги "Имкон Агро" МЧЖ ўртасида тузилган шартномага асосан 9 миллиард 671 миллион сўмлик уруғлик картошка етказиб бериш режалаштирилган. 2018 йилнинг апрель-июнь ойларига жамият ҳисоб рақамига 9 миллиард 418 миллион сўм пул маблағи ўтказиб берилган. Шартномага асосан, уруғлик картошка маҳсулотлари ўтган йилнинг 15 июнига қадар етказиб берилиши лозим эди. Бироқ жамият томонидан ўшбу туманлардаги фермер хўжаликларига уруғлик картошка етказиб берилмаганлиги оқибатида, режалаштирилган майдонларга картошка экилмасдан қолган.

Бошқарма томонидан вилоятда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурслари ва ерлардан фойдаланишни назорат қилиш соҳаси бўйича ўтказилган мониторинг ва текширишлар бўйича 348 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, 2 та жиноят ва 346 та маъмурий ишлар кўзга тилди. Хусусан, "Юқориқирчиқдавсулмаҳсулсудрат" ДУКда ўтказилган текширишда, қорхона мансабдор шахслари Бўстонлик туманидаги 10 та ирригация объектини реконструкция қилиш учун "Тошкентсувқурилиш инвест" ДУК билан 1 миллиард 80 миллион сўмлик шартнома тузиб, 2018 йил учун ажратилган 521 миллион сўм 933 минг сўмлик пул маблағларининг ўз ҳисоб рақамларига тушишига эришиб, аслида бажарилмаган 368 миллион 301 минг сўмлик ишларни бажарилди, деб сохта ҳужжатлар тузиб, давлатнинг жуда кўп миқдордаги пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, ДУК мансабдорлари буортмачининг назоратчилари билан келишиб, ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан Юқориқирчиқ, Паркент ва Бекобод туманларидаги коллектор ва каналларда бажарилмаган ишларни "қоғоз"да бажариб, жами 470 миллион 772 минг сўмлик пул маблағларини талон-торож қилишди. Айбдорлардан етказилган зарарнинг тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Юқорида келтириб ўтилган барча ҳолатлар юзасидан Инспекциянинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари кўзга тилди.





# Қонунларга суяниб яшаган кам бўлмайди



**Акмал АБДИЕВ,**  
Департаментнинг Қашқадарё  
вилоят бошқармаси бошлиғи

**Инсон шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият даражасида улуғланган мустақил юртда яшаймиш.**

Бугунги кунга келиб, фуқароларда қонунларга ҳурмат ҳиссини кучайиб бориши баробарида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўникмаси ҳам шаклланиб кетди. Бу эса юртимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги амалдорлар қўлланган самарани бераётганлигининг яққол тасдиғидир.

Бироқ гуруҳ курмаксиз бўлмаганидек, ҳаммаши ҳам ишхўрларга ижобий муносабатда бўлаётми, қонунларга ҳурмат назари билан қараётми, деб бўлмайди. Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси ходимлари томонидан иқтисодий жиноятларга қарши курашиш, хуфиёна иқтисодиёт, коррупция, солиқ

тўлашдан бўйин товлашнинг янги механизми ва каналларини аниқлаш, хорижий валютага нисбатан аниқлашнинг ноқонуний айланмасига, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш борасида амалга оширилган тадбирлар жараёнида бундай ҳолат яққол намоён бўлди.

Жумладан, 2018 йилда бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жами 597 та қонунбузарлик фош этилиб, 257 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди, 340 та маъмурий ишлар юритилди. Ноқонуний муомаладан 2 миллиард 279,8 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Бюджетга 7 миллиард сўмлик қўшимча маблағлар ҳисобланиб, ўтган йилларда ундирилмаган қолган маблағлар билан қўшиб ҳисоблаганда, 15,4 миллиард сўм ундирилиши таъминланди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ 44 та, коррупция билан боғлиқ 124 та жиноят фош этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сисъатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-та-

бирлар тўғрисида" ги Фармони билан фуқаролар ҳамда тадбиркорларга хорижий валюта маблағларини айирбошлашда катта қулайликлар яратилди. Шунга қарамадан ноқонуний даромад орттириш мақсадида қонунга хилоф равишда валюта маблағларини айирбошлаш ҳолатлари учрамоқда. Чет эл валюта маблағларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 154 та қонунбузарлик аниқланиб, 24 та жиноят иши қўзғатилди ва 130 та маъмурий иш юритилди. Ҳуқуқбузарлардан 140 минг 67 АҚШ доллари, 156 минг 500 Россия рубли, 6 минг Қозоғистон тенгеси, 508 миллион сўм ва умумий қиймати 78,1 миллион сўмлик, 26 дона "Император Николай II" тамғали тилла тангалар олиб қўйилди. Қалбаки пул ҳамда акциз маркалар тайёрлаш ва уларни муомалага киритиш билан боғлиқ ҳолат ҳам фош этилди.

Алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ 24 та қонунбузарлик аниқланиб, 162,7 миллион сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланмаётган солиқ ва бошқа мажбурий

тўловлар бўйича маълумотлар солиқ идораларига юборилди ҳамда ўтказилган камерал назорат натижасида давлат бюджетига 12,8 миллиард сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланди, шундан 7,1 миллиард сўмнинг ундирилишига эришилди. Белгиланган муддатда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаган шахсларга нисбатан 4 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бундан ташқари, яширин цехлар фаолияти билан боғлиқ 156 та ҳолат фош этилиб, 379 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Шунингдек, 129 нафар фуқаро белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, тақиқланмаган фаолият турлари билан шуғулланаётгани аниқланиб, уларнинг фаолиятига қонуний тус берилди. Жумла-

дан, Шахрисабз шаҳрида яшовчи фуқаро Н.Тоштемиров белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, эшик ва ром ишлаб чиқариш цехи ташкил қилиб, фаолият кўрсатиб келаётганлиги аниқланди. Унга қонун талаблари тушунтирилиб, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши таъминланди.

Эътибор, имтиёз ва қўллаб-қувватлашлар ҳалол ишлаган, амалдаги қонун-қоидалар асосида иш юритаётган тадбиркорлар учундир. Қонун-қоидаларни четлаб ўтиб, фақат ўз манфаатини кўзлайдиганларга эса қонун олдига жавоб беришга тўғри келади. Зеро, қонунларга суяниб яшаган кам бўлмайди.

**Раҳиманинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ёши 35дан ўтиб қолгани учун бу гал хавотирга тушди. Минг ҳадиқ билан Жондор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасига келиб, акушер-гинеколог хонаси эшигини тақиллатди.**

## ЎТ тушсин "харажати" га!

**Хайрулло НУРМАТОВ,**  
Департаментнинг Жондор туман бўлими бошлиғи

— Келинг! Нима хизмат? — деди стол устини тартибга келтираётган оқ халатли аёл.  
— Шу-у, хомиладорман.  
— Неча ҳафталик?  
— Ўттиз олти ҳафталик...

— Ие, нега кечикиб келаяпсиз? Аллақачон ҳисобга қўйишингиз керак эди-ку?! Шундай бепарво юрасизлар-да, кейин бизни...

Раҳима шифокор унинг соғлиғи, боласининг соғ-саломат дунёга келишини ўйлаётганидан ич-ичидан хурсанд бўлди-ю, акушер-гинеколог Нилуфар Бобоеванинг асл мақсадини тушунмади. Шифокор унинг қайси қишлоқдан эканлигини аниқлаб олгач, 16-сон қишлоқ оилавий поликлиникасига учрашишни айтди.

"Яхшиям нажоткоримиз — шу докторлар бор", деганча уйига қайтган Раҳима хотиржам ухлади.

Эртасига Н.Бобоева айтганидек, қишлоқ оилавий поликлиникасига бориб. У ерда тиббиёт ходимлари сўхбатидан сўнг Нилуфар унга яқинроқ келди.

— Ҳисобга қўядиган бўлдик. Фақат бироз харажати бор.

— Қанча экан?  
Н.Бобоева бармоқларини беш қилиб кўрсатди.

— Яхши... Аммо бироз шароитим...  
— Ҳўп. Аёл аёлни тушунади. 400 минг сўм ҳам бўлади...

400 минг сўм пулни бежирим сумкачасига жойлаштириб, тин олишга улгурмаган Нилуфар Бобоеванинг боши "тақ" этиб қонун деворига урилди. Қўзлари "ярқ" этиб очилди-ю, энди вақт ўтган эди.

Суд ҳўқмига биноан Н.Бобоева ойлик иш ҳақининг 20 фоизи давлат ҳисобига ўтказилишдан ташқари, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

## Пул берса, ўқишга кирадимми?

**Бешариқлик Нафисахон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Қўқон шаҳрига келиб, таниши Мавжудахон опага учради.**

— Жияним коллежни битирди. Педагогика институтига ҳужжат топширмоқчи.

— Дугонам Мастураҳон институтнинг маънавият бўлимида ишлайди. Жиянингизни ўқишга киритиб қўяди, — дея Мавжудахон уни билим даргоҳига бошлаб борди. Мастураҳон ҳам "Муаммо йўқ, 7 минг доллар беришса, ўқишга жойлаб қўяман", деб оғиз қўпиртирди.

Иши битаётганидан хурсанд Нафисахон яна дардини баён қилди.

— Жиянимнинг опаси ҳам бир неча бор ҳужжат топширди-ю, хис-

моний тарбия факультетига кира олмади-да!

— Гап йўқ. Иккала жиянингизга 14 минг доллар берсаларинг бас, ўқишга кирди, ҳисоб.

Нафисахон уйига қайтгач, дугонасига жиянларини ўқишга киритишни гаплашиб қўйганини айтди.

— Мениям тиббиёт коллежига жойлаб қўйишин, — илтимос қилди Нарғизахон.

— Ўзингиз гаплашиб олинг, — дея Нафисахон у билан Қўқонга келди.

Мавжудахон опа ва Мастураҳон билан бирга тушлик қилишди.

— Коллежда танишларим бор, — гап бошлади Мастураҳон Нафисахоннинг илтимосини эшитгач. — 800 доллар эвазига киритиб қўйишим мумкин.

Нафисахон эса кўнглида қўта-

**Дониёр АЗАМОВ,**  
Департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси катта инспектори

рилган галаёни дугонасига сездирмади. "Ешларга нафақат билим, балки ҳалоллик бобида ҳам сабоқ беришга даъват этилган ўқитувчи шунчалик пасткашлик қиладимми?"

Унинг аризаси бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳолислар иштирокида ўтказган тадбирда "Жиянларингизни ўқишга киритиб қўямиз", дея аллаб, 7800 АҚШ доллари олган Мавжудахон Қорабоева ва Мастураҳон Илёсовлар жиноят устида ушландилар. Суд уларга қилмишларига яраша жазо тайинлади.

## Чиройли рақамнинг нархи

**Нодирбек АБДУСАТТАРОВ,**  
Департаментнинг Андижон шаҳар бўлими катта суриштирувчиси

**Элдор Қурбон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жияни Аҳад "Жентра" автомобиласига олганидан жуда хурсанд бўлди ва унга совға сифатида "чиройли рақам" олиб беришни ваъда қилди. У Андижон шаҳрида яшовчи таниши И.Усмоновдан жияни номига олинган автомобилнинг тегишли ҳужжатларини расмийлаштириб, "177" ёки "277" бўлган давлат рақамини олиб беришни илтимос қилди.**

Аммо бу ишнинг ўзига яраша чиқимлари борлигини айтган И.Усмонов, совғани ИИБ ЙХХБ РИБда юқори лавозимда ишлайдиган танишлари орқали олиб бериш эвазига 200 АҚШ доллари сўради. Иш пишиди, лекин орзулар ушалмай туриб, И.Усмонов миждоздан 200 АҚШ долларини пора сифатида олаётганидан Андижон вилоят ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда қўлга олинди.

Суд залининг қора курсисига ўтирган И.Усмонов илгари судланган бўлса-да, бундан тегишли ҳулоса чиқармаган экан. Йўқса, яна жиноятга қўл урармиди? У бировнинг ҳақи асло буюрмаслигини бу гал тушуниб етган бўлса, ажаб эмас.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотишнинг белгиланган қонун-қоидалари бор бўлишига қарамадан, айрим фуқаролар ўзларининг бу борадаги ноқонуний ҳатти-ҳаракатларида ханузгача тийила олишмаяпти. Жиноят ишлари бўйича Ангрэн шаҳар судида ноқонуний валюта савдосини ўзига касб қилиб олган Олим Собировнинг қилмишига ҳуқуқий баҳо берилди.**

## Пулни пулга урган Эди...



урган  
Эди...

**Сарвар КЕНЖАЕВ,**  
Департаментнинг Ангрэн шаҳар бўлими бошлиғи

О.Собиров ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, ўтган йилнинг сентябрь ойида 10 минг АҚШ долларини 82 миллион сўмга сотаётган вақтда қўлга тушди. Суриштирув жараёнида бу шахс юртимизда чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш юридик шахслар томонидан ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шохобчалари орқали амалга оширилиши билгани ҳолда, мазкур фаолият билан шуғулланиб келаётганлигини тан олди.

Суд мажлисида О.Собировнинг қилмиши атрофлича кўриб чиқилиб, унга жарима жазоси тайинланди.

**Ҳуқуқат қарори билан Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига ўзгартириш киритилди. Унга қўра, Ўзбекистонда 577 минг 172 сўмдан кам ойлик иш ҳақи тўланиши мумкин эмас.**



FAOLIYATIDAN

ларга имтиёзли кредит маблаглари ажратилаёпти. Юртимизда ишлаб чиқарилмайдиган ускуна, хомашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар божхона тўловларидан ҳам озод этилган. Яратилган имкониятларга қарамадан, баъзи фуқароларимиз иссиқхоналар учун берилмаётган энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланишга уринишмоқда.

Бюро органлари томонидан 2018-2019 йил қуз-қиш мав-

лион сўмлик табиий газ талон-торож қилингани маълум бўлди.

Бюронинг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирларда фуқаро Бўри Рўзибоев (исм-фамилияси ўзгартирилган) Тошкент тумани, "Сарке" МФИда 17 сотих иссиқхона ташкил қилиб, табиий газ қувурига ўзбошимчилик билан улашиб, фойдаланиб келгани аниқланди. Натияжада ҳудудий газ таъминоти корхонасига 50,8 миллион сўм



## Емаган сомсанинг пули

Игорь ЛМ,  
МИБ Миробод туман бўлими бошлиғи

2016 йилда Миробод тумани Банокатий кўчасидаги хонадонлардан бирини сотиб олган фуқаро А.Холдоров хонадоннинг собиқ эгасидан фойдаланилган табиий газдан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома ҳам олган эди. Шунинг учун ҳам у коммунал тўловлардан ҳеч қандай қарзи йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, олди-сотди шартномасини имзолади ва ўша йилнинг сентябрь ойидан шу хонадонда яшай бошлади.

А.Холдоров мазкур хонадонга кўчиб келганидан сўнг шу кунга қадар барча коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаб борди. Аммо, кутилмаган хабардан ёқа ушлади. Эмишки, бу хонадонда газдан 3 миллион 202 миңдан ошдиқроқ қарздорлик мавжуд экан. Тўловларни ўз вақтида тўлаб борган бўлса-да, яна қарздорлик қардан келиб чиққан бўлиши мумкин?..

Ҳолат юзасидан Бюронинг Миробод туман бўлими томо-

нидан олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари жараёнида маълум бўлишича, "Биллинггаз" дастурида мазкур хонадон бўйича қарздорлик мавжуд бўлса-да, "Мирободтумангаз" филиалининг собиқ ходимлари томонидан табиий газдан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида сохта маълумотнома тақдим этилган экан. Энди айбдорлар қонун олдида жавоб беришга мажбур.

Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Газ таъминоти корхонасининг собиқ ходимлари томонидан содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар ортдан бир фуқаронинг 3 миллиондан ортиқ бўлган қарздорлиги бошқа бир фуқаронинг гардианга тушмоқда. Яхши ниятлар билан хонадон сотиб олган А.Холдоров энди емаган сомсасига пул тўлашга мажбур бўлмоқда.

Шу ўринда, фуқароларимизга мана шундай ҳолатлардан ўзларини "суғурта"лашларини, олди-сотди жараёнида маълумотларининг ҳаққонийлигини текшириб олишларини тавсия қиламиз.


## Ноқонуний иш ташвишсиз бўлмайди

Мамлакатимизда ёқилги-энергетика комплексини модернизация қилиш, электр энергия етказиб бериш сифатини янада яхшилаш халқимиз турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Илҳом ИСМАНОВ,  
МИБ Охангарон шаҳар бўлими суриштирувчиси

Суриштирув ишлари давомида А.Бахтиёров бу ишларни бир ўзи эмас, балки Охангарон туман электр тармоқлари корхонаси масъул ходими Рустам Сўҳробовнинг "ёрдами" билан амалга оширгани маълум бўлди. Оқибатда, давлат манфаатларига 32 миллион 918 миң сўм зарар етказилган.

Етказилган зарар уттиз кунлик муддат ичида тулик қоплаганлиги сабабли жиноят иши кўзғатиш рабд этилди.




## Исрофгарчиликнинг олди олинмоқда

Тўлқун ХУСАНОВ,  
МИБ Яккабоғ туман бўлими криминалисти

Бош прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюросининг ташкил этилиши тўлов интизомининг мустаҳкамланишига, тўлов маданиятининг ошишига ҳамда энергия ва сув ресурсларидан ўзбошимчилик билан фойдаланишга чек қўйилишига хизмат қилмоқда.

МИБ Яккабоғ туман бўлими томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида туманда ичимлик сувидан бўлган 176 миллион сўм дебитор қарздорлигининг 28 миллион сўмга камайтирилишига эришилди.

Бундан ташқари, ўрганишларда 30дан ортиқ ҳолатда ичимлик суви тармоқларига ноқонуний улашиб ва сувдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар қўрилиб, айбдор шахслар жаримага тортилди.



## "BEST AUTO AUCTION" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси охири бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилди!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори, Ўзбекистон "MAHALLA" хайрия жамоат фонди Самарқанд вилоят бўлимининг 2019 йил 21 январдаги 02-сонли буюртма хатига асосан Самарқанд шаҳар, Ибн Сино кўчаси 11-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1) 2004 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 068 JAA, техник носоз бўлган "МАТИЗ" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 14 776 000 сўм, 2) 2001 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 132 AAA, техник носоз бўлган "НЕКСИЯ" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 14 490 000 сўм, 3) 2004 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 069 JAA, техник носоз бўлган "МАТИЗ" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 11 832 000 сўм, 4) 2004 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 072 JAA, техник носоз бўлган "МАТИЗ" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 10 104 000 сўм, 5) 2004 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 106 JAA, техник носоз бўлган "МАТИЗ" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 9 913 000 сўм, 6) 2003 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 134 JAA, техник носоз бўлган "ДАМАС" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 3 900 000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори, "Қафолат суғурта компанияси" АЖ Самарқанд вилоят филиалининг 2019 йил 21 январдаги 02/07-32-сонли буюртма хатига асосан Самарқанд шаҳар, Пушкин кўчаси 15-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

Марҳамат туманида туғилган Раҳим Бобоқулов уч нафар фарзанди бўлса-да, тайинли қилган нахшахатлари, ошна-оғайнилариинг жўяли маслаҳат-тавсиялари эса, Р.Бобоқуловнинг ўнг қулוגидан кириб, чапидан чиқиб кетди. Эрининг масъулиятсизлигидан зериққан аёли охири у билан ажрашишга қарор қилди. Раҳим хатосини англади, аммо, энди кеч эди. Унинг оиласини тиклаш учун турмуш ўртоғи билан қилган мулоқотларининг бирортаси ҳам самара бермади.

## Фарзандига безътибор эди

Сирожиiddин АБДУСАЛОМОВ,  
МИБ Марҳамат туман бўлими давлат ижрочиси

Тайинки, уч нафар фарзандни таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Катталарнинг бу борада жон қойтиб қилган нахшахатлари, ошна-оғайнилариинг жўяли маслаҳат-тавсиялари эса, Р.Бобоқуловнинг ўнг қулугидан кириб, чапидан чиқиб кетди. Эрининг масъулиятсизлигидан зериққан аёли охири у билан ажрашишга қарор қилди. Раҳим хатосини англади, аммо, энди кеч эди. Унинг оиласини тиклаш учун турмуш ўртоғи билан қилган мулоқотларининг бирортаси ҳам самара бермади.

Собиқ турмуш ўртоғи воёга етмаган икки фарзанди таъминоти учун нафақа белгилашни сўраб, фуқаролик судига муурожаат қилди. Раҳим эса, худди аввалгидек, нафақани вақтида тўлашни пайсалга солаверди. Тома-тома йиғилган маблағлар катта суммага айланди. Ўтган йил августга қадар Раҳимнинг буйидаги 11 миллион 48 миң сўм миқдориди қарздорлик пайдо бўлганди.

Марҳамат туман давлат солиқ инспекцияси биносиди бўлиб ўтган сайёр суд мажлисида ушбу ҳолатга қонуний баҳо берилди. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларида курсатилган ҳуқуқбузарлиқни содир этган Раҳим Бобоқуловга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

1) 2002 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 247 JAA, техник носоз бўлган "НЕКСИЯ" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 26 510 000 сўм

Аукцион савдоси 2019 йил 25 февраль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мўдлати: 2019 йил 22 февраль кунини соат 18:00. Ушбу мулклар 2019 йил 25 февраль кунини сотилмаган тақдирда, тақрорий савдо 2019 йил 6, 18 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Тақрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш белгиланган савдондан бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади. Савдо қолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар "Қафолат суғурта компанияси" АЖ Самарқанд вилоят филиалининг автотранспорт воситаси учун бошланғич баҳосининг 20 фоизидан, қолган автотранспорт воситалари учун 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "BEST AUTO AUCTION" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали АТИБ "Ипотечка банк" Кўксарой филиалидаги 20208000700805784002, МФО:00262, СТИР:305089257 х/р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзили: Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдонини 1-уй, 210-хона.

Тел: (+99893) 355-80-55, (+99891) 520-55-89.  
Электрон почта манзили: best.samarqand@inbox.uz,  
Телефон №547246.  
Хизматлар лицензияланган



FAOLIYATIDAN

# Тола ўрнига чиқинди

**Камол АБДУРАХМАНОВ,**  
Инспекциянинг  
Жиззах вилоят бошқармаси  
бўлим катта инспектори

Пахта тайёрлаш пунктлари ва қайта ишлаш корхоналари томонидан пахта хомашёси ва ундан қайта ишланган маҳсулотларнинг жойлаштирилиши, қайта ишланиши ҳамда сифатли сақланиши таъминлигини назорат қилиш **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси** ҳузуридаги **Аграрно-мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлигини устидан назорат қилиш инспекциясининг асосий вазифаларидан бири** ҳисобланади.

Мазкур соҳада қонунийликни таъминлаш борасида Инспекциянинг Жиззах вилоят бошқармаси ҳамда "Аграрно-мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлигини устидан назорат қилиш инспекциясининг асосий вазифаларидан бири" ДУК Жиззах вилоят филиали ходимлари томонидан вилоятдаги пахта тозалаш корхоналаридан бирида назорат тадбири ўтказилди. Тадбир давомида корхонанинг тола ва иккиламчи маҳсулотлар товаршуноси Даврон Гултўраев (исм-фамилияси ўзгартирилган) ўзининг жавобгарлигида 27 миллион 521 минг сўмлик 13985,5 килограмм 65 та той пахта толасини талон-торож қилгани, жиноятини яшириш мақсадида пахта толаси тойларни кўзгатилиб, тергов ҳаракатларини олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

Мазкур ҳолат юзасидан Д.Гултўраевга нисбатан **Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг** тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатларини олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилди.



# Юқори ҳосилдорликка эришилса...

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Бошоқли дон етиштиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарориди қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали республикамизда бошоқли дон етиштиришда фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш, суғориладиган ва лалмикор ерлардан олинаётган бошоқли дон ҳосилдорлигини кескин ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Қабул қилинган янги қарор шу давргача амалда бўлган қарорлардан тубдан фарқ қилади. Жумладан, энди фермер хўжалиқларига моддий-техника ресурсларини агротехника тадбирлар режасидан келиб чиқиб, тўла ҳажмда етказиб бериш, шу мақсадда ажратиладиган кредит ресурслари микдори давлат хариди учун етказиб бериладиган дон қийматининг 100 фоизи даражасигача белгиланди. Шунингдек, 2019 йилда етиштириладиган 3-синф тоифасидаги 1 тонна юмшоқ бугдойнинг харид нархи 1 миллион 200 минг сўм (2018 йилда шу тоифадаги 1 тонна доннинг харид баҳоси 750 минг сўмни ташкил этган) этиб белгиланди. Қолаверса, давлат буюртмаси учун топширилган дон учун 1 сентябргача яқуний ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши, фермер хўжалиқларининг маблағлардан мустақил ва мақсадли фойдаланишлари белгиланган бўлиши.

Қарорда ҳар гектар майдондан олиннадиган ҳосилдорликка қараб қўшимча рағбатлантириш белгилангани ҳамда ягона ер солиғи ставкаларининг гектаридан 30 центергача ҳосил олин-

ганда 2 баробар, 40 центергача ҳосил олинганда 1,5 баробар коэффициентлар билан ҳисобланиши ва ҳосилдорликни муттасил ошириб бориш ҳисобига солиқ ставкаларини камайтириб бориш белгилангани фермер хўжалиқлари раҳбарларининг масъулиятини оширишга, ерлардан самарали фойдаланиш учун барча агротехника тадбирларини ўз муддатида бажаришга ундайди.

/// **Фалла етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиқлари учун солиқ ставкаларини камайтириш белгиланди.**

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган янги қарорнинг жойларда ижросини таъминлашда моддий ресурслар билан таъминловчи корхоналар зиммасига ва техника хизмати кўрсатувчиларга ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Моддий-техника ресурслари учун ажратилган ушбу маблағларнинг ҳар бир фермер хўжалиқининг агротехнологик картасидан келиб чиқиб ўз вақтида тўғри етказиб берилишини ва

сарфланишини, моддий-техника ресурсларининг талон-торож қилиниши ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан уларнинг нархи асосиз равишда оширилишини назоратга олиш вазифаси **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси** ҳузуридаги **Аграрно-мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлигини устидан назорат қилиш инспекциясининг** ҳудудий бўлимлари зиммасига юк-

латилди. Мисол учун, Андижон вилоятида 2019 йил ҳосили учун 77 минг гектар майдонда бошоқли дон етиштириш харажатларига жами 315 миллиард 360 миллион сўм маблағ ажратилди. Унинг 122 миллиард 360 миллион сўми минерал ўғитлар сотиб олишга, 20 миллиард 498 миллион сўми ўсимликларни химоя қилишга, 72 миллиард 533 миллион сўми ёқилги-мойлаш маҳсулотлари сотиб олишга, 20 миллиард 498 минг сўми механизация хизматлари учун ва 13

**Алижон ҚАХРАМОНОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
Инспекциянинг бошқарма катта  
инспектори

миллиард сўми сотиб олиннадиган янги техникаларнинг лизинг тўловлари учун йўналтирилиши белгилаб қўйилди.

1668 та чопиқ трактори, 32 та севалка, 230 та минерал ўғит сеппи, 477 та гўза қатор ораларига уруғ сеппи мосламаси ҳамда 224 та чизел техника қўриқдан ўтказилди ва мажмуи даврида мунтазам ишлашга шай қилиб қўйилди. Фаллани экиш оқидан фосфорли ўғитлар олишда 47 та фермер хўжалиқига амалий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 450 гектар майдонига ўғитларни сеппи ташкиллаштирилди. Экилган фаллаларнинг ўз вақтида суғорилишини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича назорат ўрнатилди.

Бугунги кунда галла экилган 77 минг гектар майдонда парваришлаш ишларини олиб боришда амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳар бир фермер хўжалиқларига Инспекция ходимларидан вакиллар бириктирилиб, "Йўл хариталари" доирасида ишлаш ташкил этилмоқда. Шунингдек, соҳа олимлари ва тажрибали мутахассислар иштирокида семинар-тренингда ташкил этилиб, мутасадди ташкилотлар ва фермер хўжалиқлари раҳбарларига зарур тушунтириш ишлари олиб борилмақда.



## Балиқ боқасизми, имтиёз бор

Жорий йилда Қашқадарё вилоятида 12 минг тонна балиқ етиштириш ва овлаш, 14 минг тонна парранда гўшти ва 1,5 миллион дона 1 кунлик жўжа етиштириш, 551 миллион дона тухум ишлаб чиқариш, шунингдек, иссиқхона комплексларини қуриш бўйича умумий қиймати 335 миллиард сўм бўлган 86 та лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилган.

**Сарвинос ИСМОИЛОВА,**  
Инспекциянинг Қашқадарё вилоят бошқармаси  
бош инспектори

миллион дона чавоқ етиштириш қувватига эга бўлган репродуктор ҳовузулар барпо этиш, 2 та балиқ сақлаш ва қайта ишлаш цехлари қурилиши режалаштирилган.

Илгирлигида соҳадаги ишлар таҳлил қилиниб, тадбиркорларга балиқчилик, шу билан бир қаторда, паррандачилик ва иссиқхона қуриш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш, ер ажратилиши, кредит масалалари бўйича мутахассислар томонидан тушунчалар берилди. Тадбиркорларни қийнаб келатган муаммолар ўз жойида бартараф этилди. Мингдан зиёд тадбиркор ҳамда фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирок этган ушбу очиқ мулоқотларда қатор муаммолар ўз ечимини топти. Хусусан, Ғузор туманининг "Хумдон" МФЙда яшовчи фуқаро Холди Умирзақовга иссиқхона қурилиши учун "Миллий банк" Ғузор филиали орқали 25 миллион сўм кредит ажратилди. Ғузор туманидаги "Чориев Қосим" фермер хўжалиғи балиқчилик кўлига сув олиб келиш мақсадида ариқ қазииш, йўл қилиш учун экскаватор ажратиш масаласи ҳал этиб берилди.

Худди шу каби йилгили вилоятнинг Касби ва Ғузор туманларида тадбиркорлар иштирокида ташкил этилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекциянинг Избосқан туман бўлими томонидан **Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни** ижроси юзасидан фаолият юритаётган сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида қонунийликнинг аҳолини ўрганиш бўйича текширишлар ўтказилиб, қатор хато ва камчиликлар аниқланди.

## Мансабидан фойдалангани

**Камолддин ПАРПИЕВ,**  
Инспекциянинг Андижон вилоят  
бошқармаси бошлиғи

Хусусан, ўтказилган текширишда фуқаро Наримон Мухторов (исм-фамилияси ўзгартирилган) тумандаги учта сув истеъмолчилари уюшмаларида маълум муддат ҳисоби вазифасида ишлаб келгани ҳолда, мансаб мақомаини суистеъмол қилиб, аслида корхонада ишламаган кизи, куёви ҳамда яна 4 нафар фуқаро номига сохта табеллар тузиб, уларга иш ҳақи сифатида 47 миллион 300 минг сўм пуллари ҳисоблаб, ўлаштирилгани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Н.Мухторовга нисбатан **Ўзбекистон Республикаси** Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш учун туман прокуратурасига юборилди.

**HUQUQ**  
YURIDIK GAZETA

**Muassis:**  
**O'zbekiston**  
**Respublikasi**  
**Bosh**  
**prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Djaxonir MIRSAYAYEV  
Surayyo RAHMONOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul ko'nb)

**Tahririyat manzili:**

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53, 233-64-85  
Web site: [www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)  
E-mail: [huquq@huquq-gazeta.uz](mailto:huquq@huquq-gazeta.uz)

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqdir qilinmaydi va e'galariga qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganida manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
□ - tijorat materiali.

Nashr ko'rsatkichi  
231  
Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonamanzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Buyurtma v-3066. 20 656 nusxada bosildi.  
Oloq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchesi muharrir: G. ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbaa va axborot agentligida 2008-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan no'xyzatga olingan.  
ISSN 2010-7617  
9 772010 761004

# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



34 йил давомида прокуратура органларида хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Абдусамат Абдураззоқов табаррук 70 ёшни қарши олмақда.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Мирзо Улугбек туман прокурорининг ёрдамчиси, Сергели туман прокуратурасида терговчи, катта терговчи, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, шаҳар прокуратурасида катта терговчи, АМИБ терговчиси, Бош прокуратура АМИБ терговчиси, катта терговчиси, Бекобод шаҳар прокурори, Чирчиқ шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси, Тошкент вилоят прокурорининг ёрдамчиси, Тошкент вилояти қамоққа олинганларни

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати бўйича Тошкент прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Ишлаш жараёнида ихобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлиги ва изланувчанлиги туфайли ҳамкасбларининг хурмат-эътиборини қозониб келди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибадан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Айни пайтда Абдусамат Абдураззоқов Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази раисининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Абдусамат Абдураззоқовнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Хурматли Абдусамат Абдураззоқов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, касбдошларининг хурмат-эъзозига сазовор бўлган инсон Анатолий Мирзаев кутлуг 60 ёшни қарши олди.



У меҳнат фаолиятини Тошлоқ туман прокуратураси терговчиси лавозимида иш ўрганувчиликдан бошлаб, туман прокуратураси терговчиси, вилоят прокуратурасида криминалист прокурор, Қувасой шаҳар ва Олтиариқ туман прокурори, вилоят прокуратурасида бўлим катта прокурори, бўлим прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашди.

У жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфикр, ўз соҳасида ҳамда жамоат ишларида соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди. Адолатпарварлик, меҳнатсевар-

лик, изланувчанлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ишончини қозониб келди.

Ёш ҳуқуқшунос ходимларнинг касб маҳоратини пухта эгаллаб, малакали мутахассис бўлиб шаклланишларида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Хурматли Анатолий Мирзаев, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, хонадонингизга тинчлик-хотир-жамлик ва файзу барака тилаймиз. Оила аъзоларингиз бахтига ҳамisha соғ-саломат бўлинг!

Фаргона вилоят прокуратураси жамоаси

Осиё кубогида голибликни кўзлаган Эктор Купер бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоасининг юриши нимчорак финалда ниҳоятда етди. Бу сафар ҳам Австралия тўсиғидан ўта олмадик.



SPORT

## "КЕНГУРУ" "ЎЛЖА" СИГА АЙЛАНГАН "ОҚ БЎРИ"

олиб келинди. Австралияни ютишимиз учун Эктор Купердек мураббий терма жамоамиз бошқарувини қўлга олди. Шу сабабли ҳам нимчорак финалдаёқ Австралия терма жамоаси билан тўқнаш келишимиз қайсидаер маънода тўғри танлов эди.

Энди бевосита ўйинга келишимиз бўлса, ўйинни барча кўрди, учрашув тафсилотларига батафсил тўхталиш шарт бўлмас керак. Бу бахсининг умумий жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлса, терма жамоамиз биринчи бўлимини яхши ўтказди. Тўғра эғалик қилиш, тўп оширишлардаги аниқлик ва ҳужумлар уюштиришда футболчиларимиз фаоллик кўрсатишди. Ўйиндаги илк ҳавфли ҳужум ҳам Эктор Купер шогирдлари томонидан юзага келтирилди. Жалолдин Машариповнинг пасидан сўнг Элдор Шомуродов қаршисидаги рақибдан ўтди ва дарвозабоннинг устидан тўпни ошириб қўйишга уринди. Аммо австралиялик посбон жамоамизнинг жонига оро кирди.

Учрашувнинг 21-дақиқасида вакилларимиз томонидан уюштирилган комбинация ҳам

эсда қоларли бўлди. Фақатгина Одил Аҳмедовнинг зарбасига аниқлик етишмади. Оранд 7 дақиқа ўтиб, Жаҳоир Сиддиқовнинг зарбаси ҳам ҳавфли кўриниш олди. Бўлим охирларида келибгина, австралияликлар бироз жонлангандек бўлишди. Бироқ, умумий олиб қараганда, биринчи бўлимда вакилларимиз устунлик қилишди.

Ҳаммаси иккинчи бўлимдан бошланди. Тайм бошидан оқ рақиблар майдондаги устунликни қўлга олишди. Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари эса бунга қаршилик қилмади, Купер ёқтирадиган ҳимоявий ўйин тактикасига ўтиб олди ва бугёнга юрак ховулаб ўтиришга тўғри келди. Гўё биринчи бўлимда майдонда бошқа футболчилар, ўйиннинг иккинчи қисмида эса бошқа жамоа майдонга ташландек эди. Албатта, ўзимизникиларни назарда тутаямиз.

Австралия терма жамоаси аъзолари ҳимоячиларимиз ва посбонимизни анча тер тўқишга мажбур қилишди. Баъзида ўзлари юзага келган вазиятдан фойдалана олмаган бўлса, бошқа ҳолатларда фут-

дарвозамиз дахлсизлигини сақлаб қола олмаган бўлардик. Бу жиҳадан ўзгаришлар кўзга ташланди. Аммо гол бўлмаса, галаба осмондан тушмаслигини ҳам унутмаслигимиз керак. Айнан шу жиҳат бизга панд берди.

**Футбол лотереяси.** Кўшимча дақиқаларда ҳам ҳисоб очилмагач, голиб номига аниқлик қиритиш учун пенальтилар сериясига мурожаат қилинди. Футбол лотереясида эса австралияликлар аниқроқ ҳаракат қилиб, зафар қучишди. Шу тариқа Австралия Купернинг ҳам "тиши ўтмади".

**Осиё кубоги.** Нимчорак финал Австралия м.т.ж. — Ўзбекистон м.т.ж. 0:0 (пенальтилар серияси — 4:2). Турнир якунидаги ҳулоса.

Осиё кубоги олдида Эктор Купер қатъий фикрда туриб, "Биз фақат чемпионликни кўзлаямиз", деган эди. Аслида, чемпионлик учун имкониятларимиз юқори бўлмасада, Купернинг жамоасига бўлган ишончи хурсанд қилди. Тўғри, мусобақадаги натижа яхши ҳам эмас, ёмон ҳам. Эктор Купер масаласига келадиган бўлса, ушбу тажрибали мураббий терма жамоамизни қабул қилинганга кўп вақт бўлмади. Шунинг учун ҳам ҳулоса чиқаришга бироз шовишмаганимиз маъқул. Бугёнга олдимизда 2022 йили Катарда ўтадиган мундиалнинг саралаш босқичи турибди. Демак, "жўжа"ни саралашдан кейин санаймиз.

Мақсудали ҚАМБАРОВ,  
"Huquq"

болчиларимиз рақибнинг ҳавфли ҳужумларини бартараф этишининг уддасидан чиқишди. Австралия термаси ҳужумга зўр берган палларда эса терма жамоамиз ўйинида эсчилик қолган пала-партишлик, эсанкираб қолиш ҳолатлари кўзга ташлана бошлади. Лекин, барибир тажрибали мураббийнинг ҳимояланиш дарсидан берган сабоқларининг ўқунлари сезилди. Ақс ҳолда, 120 дақиқа давомида

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси шахсий таркиби Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи Лазиз Эрдонаева ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Бюронинг Қашқалар вилоят бошқармаси жамоалари Бюронинг Шаҳрисабз туман бўлими бошлиғи Шерзод Эрдонаевага падалари бузуқворчи

Ҳасан ЭРДОНАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агроекат мажмуи ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ва Инспекциянинг Фарғона вилоят бошқармаси жамоаларини Инспекциянинг Олтиариқ туман бўлими бошлиғи **Зоярқон КОМИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.